

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

11/2021

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

*Козимджан КАМИЛОВ*  
*Робахон МАХМУДОВА*  
*Ҳалилillo ТУРАХУЖАЕВ*  
*Икрам МУСЛИМОВ*  
*Бахтиёр ИСАКОВ*  
*Холмўмин ЁДГОРОВ*  
*Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ*  
*Ибрагим АЛИМОВ*  
*Олим ХАЛМИРЗАЕВ*  
*Замира ЭСАНОВА*  
*Омонбой ОҚЮЛОВ*  
*Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2021 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**Масъул котиб**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича галиб деб топилган.*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** odilsudlov.oliy@sud.uz

**Веб-сайт:** www-odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 16 ноябрда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма –17. Нашр адади 3950 нусха.

**Навбатчи муҳаррир**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

**НАШР ИНДЕКСИ – 909**

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА NASHR GROUP» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100 057,  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани  
Ифтихор кўчаси, 117-уй

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз.....3

### **КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ**

**А. Рахимов.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Олий Мажлис ва Президент ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асоси.....16

### **МУЛК ҲУҚУҚИ**

**Ш. Назаров.** Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи.....23

### **МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ**

**Х. Курбанова.** Муаллифлик ҳуқуқи ҳақида нималарни биламиз?.....30

### **МЕНИНГ ТАКЛИФИМ**

**С. Қувватов, У. Базаров.** Иқтисодий процессуал кодексини такомиллаштириш зарурияти.....34

### **ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

**М. Зиядуллаев.** Ижтимоий таъминот.....37

### **СУД ОЧЕРКИ**

**З. Қўзибоев.** Сохтакорлик жазога сабаб бўлди.....41

### **МОЗИЙГА НАЗАР**

**С. Олим.** Хожа Баҳоуддин Нақшбанд.....43

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АСОСИДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЙ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

*Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали  
маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари  
қўшма мажлисидаги нутқи*

Ассалому алайкум, мухтарам ватан-дошлар!

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари!

Хорижий дипломатик корпус вакиллари!  
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, менга улкан ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайлаган барча юртдошларимга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этиб, меҳнатқаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан.

Сиз, азизларга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга тинчлик ва саломатлик, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жонажон Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида сайланишимни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб бораётган сиёсатимизнинг юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

Мухтарам тантанали мажлис иштирокчилари!

Бўлиб ўтган сайловларда кўпмиллатли халқимиз фаол иштирок этиб, ўзининг эркин хохиш-иродасини, юксак ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини яққол намоён этди.

Халқимиз билан биргаликда танлаган ва амалга ошираётган ривожланиш йўлимиз нақадар тўғрилигини сайлов натижалари яна бир бор тасдиқлади. Бу эса барчамизга янги куч, баланд рух ва ишонч бағишлайди.

Сайловнинг эркин ва демократик, очик ва ошқора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида ўтганини халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳам эътироф этдилар.

Президент сайловида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узоқ муддатли миссиялари бутун сайлов жараёнларини бевосита кузатиб борди. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ҳамда Парламент Ассамблеяси қаторида биринчи марта Европа парламентида ҳам кузатувчилар иштирок этди.

Умуман, сайловда 18 та халқаро ташкилот ва 45 та хорижий давлатнинг мингга яқин вакиллари халқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1 минг 700 га яқин маҳаллий ва хорижий журналистлар сайлов жараёнларини бевосита ёритиб борди. Уларнинг барчаси, сайлов миллий

конунчилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро тамойиллар асосида, юқори савияда ўтганини алоҳида қайд этдилар.

Азиз юртдошлар!

Сайловда менга билдирилган ишонч – юксак шараф, муқаддас бурч эканини, айни вақтда бу ишонч зиммамга қандай улкан масъулият ва жавобгарлик юклашини ҳам чуқур ҳис этиб турибман.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампаниясида қўллаб-қувватлаган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари ва фаолларига, барча тарафдорларим ҳамда ишончли вакилларимга ташаккур айтаман.

Сайловда фаол иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод – Мақсуда Ворисовага, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан – Алишер Қодировга, Ўзбекистон Экологик партиясидан – Нарзулло Обломуродовга, «Адолат» социал-демократик партиясидан – Баҳром Абдуҳалимовга алоҳида миннатдорлик билдираман. Уларга келгуси ишларида омадлар тилайман.

Биз сайлов жараёнида ўзаро рақобат қилган бўлсак, энди барча орзу-интилиш ва ҳаракатларимизни бирлаштириб, сиёсий партиялар билан фаол ҳамкорлик қиламиз. Уларнинг сайловолди дастурларидаги муҳим амалий ғоя ва таклифлар келгуси фаолиятимизда эътиборимиздан четда қолмайди.

**Бутун куч ва салоҳиятимизни ягона улғу мақсадимиз – Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратамиз.**

Бугун шу юксак минбарда туриб, барча ҳудудларимиз – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисига;

юртимизда тинчлик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган маҳалла фаоллари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва дин арбобларига;

эзгу дуолари, ҳаётий маслаҳатлари би-

лан бизнинг ишимизга унум ва барака бераётган мўътабар фахрийларимизга;

жамиятимиз ҳаётида беқиёс ўринга эга бўлган муҳтарама аёлларимизга;

иқтисодиёт, саноат, аграр ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, курувчи-бунёдкорларга;

бутун борлигини илм-фан ва маънавиятни юксалтириш, навқирон авлод тарбиясига бағишлаган устоз ва мураббийларга, илмий ва ижодкор зиёлиларга, маданият ва санъат аҳлига;

эл-юртимиз соғлигини асрашдек олижаноб мақсад йўлида ўзини аямасдан, мардона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига;

Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Бобур Мирзо каби улғу аждодларимиз анъаналарини муносиб давом эттираётган мард ва жасур ҳарбий хизматчиларимизга;

жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спортчиларимизга;

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ходимларига;

сайлов жараёнларини кенг ва холис ёритган оммавий ахборот воситалари вакилларига, журналист ва блогерларга чин юракдан миннатдорлик билдираман.

Ёш авлодимизга – менинг ўғил-қизларимга қарата айтмоқчиман: томирларида буюк боболаримизнинг ғайрат-шижоати жўш уриб турган азиз фарзандларим, сизлар Янги Ўзбекистонни барпо этишда доимо олдинги сафда бўласизлар, деб ишонаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишим муносабати билан самимий табрикларини йўллаган мамлакатимизнинг барча фуқароларига, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чуқур эҳтиромимни изҳор қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловда иштирок этган барча халқаро кузатувчиларга ўз номидан, халқимиз номидан ташаккур айтаман.

Ўрнатли тантанали маросим қатнашчилари!

Бугунги тантанали маросим пойтахтимиз марказида барпо этилган, барча замонавий шароитларга эга бўлган мухташам Сенат биносида ўтаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор, албатта.

Бу қутлуғ маскан мамлакатимиз равнақи йўлида муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинадиган нуфузли даргоҳга, замонавий миллий давлатчилигимиз кўзгуси ва демократия мактабига айланади, деб ишонаман.

Янги Ўзбекистон тимсолларидан бири бўлган Сенат биноси ҳаммамизга муборак бўлсин!

Қадрли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, бундан беш йил олдин халқимиз билан бамаслаҳат Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилган эдик. Ўтган давр мобайнида ушбу Стратегия асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Янги муддатга лавозимга киришаётган Президент сифатида жонажон Ватанимизнинг бугунги кунини ва келажак учун бутун масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда айтмоқчиман:

**Халқимиз билан бошлаган демократик ислохотлар йўлини янада қатъий давом эттирамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз!**

Янги Ўзбекистонни биргаликда албатта барпо этамиз!

Асосий қомусимиз қафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, «Инсон қадрини учун» деган устувор тамойилни тўла рўйбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркин-

ликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз.

Ўрнатли тантанали маросим иштирокчилари!

Бугунги даврамизда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий давлатлар элчилари қатнашаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Сўнги йилларда юртимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимиздан, ўйлайманки, сиз, ўрнатли дипломатлар ҳам хабардорсиз.

Бу соҳадаги амалий фаолиятимизнинг эътирофи сифатида Ўзбекистон биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланганини айтиб ўтиш кифоя.

Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз.

Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлатлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради.

Шу муносабат билан бу соҳадаги вазифаларни амалга оширишда биз халқаро ҳамжамият, жумладан, Сиз, мухтарам дипломатик корпус вакилларининг яқин ҳамкорлигига ишонамиз.

Қадрли сенатор ва депутатлар!

Эл-юртимиз биз бошлаган халқчил ислохотларга бугун хайрихоҳлик ва қатъий

ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ кўришни истамокда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик.

Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида **«Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари»** деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Биз ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини энг олий кадрият этиб белгиладик.

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни **«инсон – жамият – давлат»** деган янги тамойил асосида ташкил этамиз.

Сайловчилар билан мулоқотлар пайтида билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклиф ва ташаббуслар асосида биз Тараққиёт стратегиямизни янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдамиз ва бу жараён яна давом этади. Чунки, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ устувор масалаларни ҳал этишда кенг жамоатчилик, ҳар қайси фуқаронинг фикри биз учун ўта муҳимдир.

Бу борада яна бир долзарб масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Келгуси беш йил учун устувор йўналишларни белгилаб олар эканмиз, ўтган даврда эришган ютуқларимиз билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳам танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилишимиз лозим. Нега деганда, ўз келажагини ўз кўли, ўз кучи билан яратишга бел боғлаган халқ ва миллат кечаги кундан тўғри сабоқ чиқариб, олдинга интилиб яшайди.

Сайловолди учрашувларида мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳар ва туманни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича янги режалар туздик.

Ҳозирги кунда ана шу таклифларни умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида дастурларни ишлаб чиқмоқдамиз ва уларни йиллар кесимида амалга оширамиз.

Мен бундан беш йил олдин, яъни Президентлик фаолиятимни бошлаган илк кунларда айтган фикримни яна такрорлайман: менга сохта ва баландпарвоз гапларнинг кераги йўқ. Қуруқ ва ёлғон гаплар, таги пуч рақамлар – бу фақат ўзимизни алдаш бўлади. Бу фақат ишимизга зиён етказди.

Биз учун умумий ишимиз ва ҳаракатимизга фойда берадиган ғоя ва фикрлар, амалий таклиф ва ташаббуслар, аниқ натижалар керак. Бундан бошқа йўлни мен мутлақо қабул қилмайман.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз кўриб-билиб турибмиз: бугунги кунда инсоният ўз тарихидаги ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Биз илгари кўрмаган, билмаган мислсиз хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келмоқдамиз.

Ер юзида миллионлаб одамларни ҳаётдан олиб кетган коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инкироз ҳануз давом этмоқда. Пандемия қачон тугайди ва ундан кейинги ҳаёт қандай бўлади – буни ҳеч ким олдиндан башорат қилолмайди.

Афсуски, пандемиянинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ҳам четда қолаётгани йўқ. Бу хатарли касалликка қарши кураш, шундай оғир шароитда яшаш ва меҳнат қилиш биздан катта куч ва маблағ, юксак ирода ва қатъий интизомни талаб этмоқда.

Ҳар қанча ҳаракат қилишимизга қарамадан, пандемия туфайли кўплаб юртдошларимиз, жумладан, бир қанча сенатор ва депутатларимиз, раҳбар сафдошларимиздан жудо бўлдик. Бугун уларнинг барчасининг хотирасини яна бир бор ёд этиб, охиралари обод бўлсин, деймиз.

Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар

кучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз кураш кетмоқда. Минтақамиздаги тинчлик ва хавфсизликка нисбатан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, глобаллашув ва кескин рақобат замони, шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечиктириб бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Мана шундай мураккаб ва қалтис вазиятда барчамиз тинч ва осойишта ҳаётимизни асраш, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун янада жипслашиб, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, дадил ва қатъий ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда ҳар бир хонадон ва маҳаллада, бутун юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлимизни янада изчил давом эттирамиз.

Қадрли юртдошлар!

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Бу – бежиз эмас. Зеро, аждодларимиз етти рақамини бахт-саодат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рўёбга чиқарадиган хосиятли тимсол, деб билганлар.

Рухсатингиз билан, Тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан**, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларимиз янги поғонага кўтарилади.

Бу борада, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг, бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган **«Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат»** ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу асосда маҳаллий бошқарув орган-

ларининг жойларда муаммоларни ҳал этишдаги роли ва масъулиятини янада кучайтирамиз. Бунинг учун келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилади.

Жамият бошқарувининг таянч бўғини бўлган, ислохотлар самараси бевосита акс этадиган маҳалла тизимини ҳокимликлар билан боғлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилади. Ҳоким ёрдамчиси янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришга масъул бўлади. Маҳалла раиси эса маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, оила ва маҳаллада соғлом муҳитни шакллантиришга жавоб беради.

Шу билан бирга, маҳаллаларда ёшлар масалалари билан мунтазам шуғулланадиган Ёшлар ишлари агентлигининг вакили ҳам бўлади.

Бундан ташқари, ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш мақсадида туман бюджети қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади.

Навбатдаги муҳим вазифамиз – марказий идораларни трансформация қилиш орқали фуқароларга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратишдан иборат. Бунинг учун, энг аввало, вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг тартиби, уларни бир-биридан фарқлаб турадиган мезонлар, таркибий тузилма ва штатларни белгилашга оид аниқ талаблар ишлаб чиқилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар оптималлаштирилади.

Марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янгича ёндашувларни жорий этиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечамиз. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан мустақил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳ-

барларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратилади.

Айни вақтда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янги, замонавий ёндашувлар жорий этилади. Кадрлар давлат хизматида танлов асосида қабул қилинади, улар учун узлуксиз малака ошириш, натижадорликни баҳолаш ва лавозим бўйича кўтарилиш мезонлари белгиланади.

Бундан буён ҳар бир ҳудуд, соҳа ва тармоқ фаолиятига уларда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади.

Шу муносабат билан **«Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак»**, деган даъватга қўшимча қилиб айтмоқчиман: **«Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак»**. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасиғача билиши шарт.

Улуғ аждодларимиз айтганидек, раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юкини елкасига олиши керак. Агар қайсики раҳбар даврнинг бу ўткир талабини тушунмаса, уларни энди халқимиз ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам қабул қилмайди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ вакиллари бўлган сенатор ва депутатлар алоҳида муҳим ўрин тутади.

Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, халқимиз кутаётган, Янги Ўзбекистон тараққиётини тезлаштиришга хизмат қиладиган қонунчилик концепциясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга устувор аҳамият берилади.

Бу борада парламент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати назоратга олинади. Жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ва унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалга оширилади.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, жамият ва давлат бошқарув тизими айрим раҳбарларнинг субъектив нуқтаи назарига, содда қилиб айтганда, уларнинг қош-қовоғига қараб эмас, аксинча, мустаҳкам ҳуқуқий мезонларга эга бўлган институтлар фаолияти орқали амалга оширилиши зарур.

Бу борада олдимизда турган яна бир муҳим масала – Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш вақти келди, деб ўйлайман.

Фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилади.

Жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтиришга доир долзарб вазифалар амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш учун сўз ва матбуот эркинлигини, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш, ўз фикр ва қарашларини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Албатта, бундай очиқлик ва ошкоралик шароитида ишлаш, ўз фаолиятига нисбатан билдирилаётган танқидий фикрларни тўғри қабул қилиш эскича қолиплар билан яшаётган айрим амалдорларга ёқмаслиги ҳам



мумкин. Лекин, бундан қатъи назар, биз бу йўлни давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири деб биламиз ва уни изчил давом эттирамиз.

Шу мақсадда амалдаги қонунчиликда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонуний фаолият юритаётган барча журналист ва блогерлар бундан буён ҳам қонун ва Президент ҳимоясида бўлади.

**Иккинчидан**, адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шартидир.

Ўтган даврда Ўзбекистонда бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиклигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди.

Келгусида маъмурий судлар фаолиятини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратишимиз зарур. Бу эса жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий раўнақига хизмат қилади.

Биз мамлакатимиз ривожини, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгаллайдиган тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиламиз. Бу борада қонун бузилишини мут-

лако йўл қўйиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолат деб баҳолаймиз.

Шу муносабат билан хусусий мулк устуворлиги қонунларимизда асосий таъминотида белгиланди. Давлат идораси маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқи бузилмаслиги таъминланади.

Яна бир муҳим масала – сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик. Шу мақсадда Сенат раиси раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз.

Бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Шу асосда коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилади.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина курашиб бўлмайди. Бунинг учун бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш ҳиссини шакллантириш – боғча ва мактабдан тортиб олийгоҳгача, барча таълим муассасаларининг, ҳар бир оиланинг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши керак.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак.

**Учинчидан**, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан биридир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Насиб этса, 2030 йилга бориб, Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бунга, аввало, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан эришиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, «хомашёдан – тайёр маҳсулотгача» деган тамойил асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантираемиз.

Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилади.

Шунингдек, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади.

Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттираемиз.

Давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлар энергия ресурслари билан кафолатли таъминланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан маблакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизими ислоҳ қилиниб, ижтимоий хизматларнинг сифати яхшилади ва кўлами кенгайтирилади.

Энг муҳим масалалардан бири сифатида уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратиш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу йўналишда қабул қилган дастурларимиз, жумладан, арзон уй-жойлар дастури асосида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва яқка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу – олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир.

Ана шундай ишларимиз кўламини янада кенгайтириб, келгусида худудларимизда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган «Янги Ўзбекистон» масивларини бунёд этаемиз. «Обод маҳалла»,

«Обод кишлок» дастурлари изчил давом эттирилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Биз учун стратегик тармоқ бўлган кишлок хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, кишлок хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Кишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш ислохотларимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу мақсадда фермер ва деҳқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яратамиз, кишлок хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказамиз.

**Тўртинчидан**, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

**Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз такдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.**

Очиқ айтиш лозим, биз бу заҳматқаш, фидойи инсонлар олдида ҳали қарздормиз. Шу боисдан ҳам, қанчалик қийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик мао-

шини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш чоралари кўрилади.

Бу борада, аввало, боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларимизни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаемиз. Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида ўнлаб янги-янги мактабгача таълим муассасалари барпо этилади. Барча боғчалар ҳар йили 2 миллион нусхадаги замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаб борилади.

Боғча ходимларининг профессионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда тизимдаги 160 минг нафардан зиёд педагог кадрларнинг малакаси оширилади.

Болалар сони ўсиб бораётганини инобатга олиб, янги мактаблар куриш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, соҳанинг барча босқичлари ўртасида узвийликни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастури ишлаб чиқилади.

Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга, олий таълим тизимида эса 50 фоизга етказиш, мактабларда таълим-тарбия сифати ва даражасини оширишга бирламчи вазифа деб қараймиз.

Янги олий таълим муассасаларини ташкил этиш билан бирга, талабаларни турар-жой билан таъминлаш бўйича бошланган ишларимизни жадал давом эттирамиз.

Тараққиёт стратегиямизда халқимиз саломатлигини таъминлаш бундан буён ҳам бош вазифа бўлиб қолади. Ушбу соҳага йўналтирилдиган маблағларни 2 баробар ошириш, жумладан, келгуси беш йилда олий тоифали шифокорлар маошини эквивалент ҳисобида 1 минг долларга етказиш мўлжалланмоқда.

Асосий мақсад – тиббиёт соҳасини чинакамига халқ дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантиришдан иборат.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини орқали тиббий профилактикага, оилавий шифокор-

лар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва эрта ўлимнинг асосий сабаби бўлган касалликларни барвақт аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш, профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш чоралари кўрилади.

Бунда ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш, энг муҳими, аҳолини рози қилиш асосий вазифамиз бўлади.

Вилоят, туман ва шаҳарларда ихтисослашган тиббий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Давлат тиббий суғурта тизими ишга туширилиб, маблағ аниқ беморга боғланган ҳолда ажратилади.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш – биз учун муҳим йўналиш бўлиб қолади. Бунда, биз аввало, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган халқчил спорт тизимини тушунамиз.

Шу мақсадда барча шаҳар ва туманларда оммавий спортни ривожлантиришга, жумладан, спорт майдончалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлақлар, экопарклар, таълим даргоҳларидаги спорт залларидан иборат спорт инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш учун спорт мактабларини кўпайтирамиз ва янги спорт объектларини барпо этамиз. Бу борада Олимпия ўйинларига киритилган ҳар бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича комплекс дастурлар амалга оширилади.

Азиз дўстлар!

Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъозлаш – халқимизнинг азалий қадриятидир. Ана шундай ноёб фазилатни асраб-авайлаш, фарзандларимизни шу

руҳда тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугунги глобаллашув даврида, пандемия ва иқтисодий инқироз ҳукм сураётган оғир бир шароитда дунёнинг айрим ҳудудларида кексалар ўз муаммолари гирдобада ёлғиз қолиб кетаётгани ҳам сир эмас. Шунинг учун муҳтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур. Токи бу ҳурматли инсонлар ўзларининг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрни борлигини доимо ҳис қилиб яшасинлар.

Шу мақсадда ўтказилаётган, нурунийларимизнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган «Уч авлод учрашуви», «Кексалар ҳафталиги» сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, умуман, ҳар бир туманда фахрийларимизни қўллаб-қувватлаш ишларини кенгайтириш учун алоҳида дастурлар тузиб, амалга оширсак, айни муддао бўлади.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу тизим амалда ишлаши ва ушбу тоифадаги инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишлари зарур.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган фуқароларни кафолатли иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аниқ квоталар белгилаш бўйича амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва тураржой билан таъминлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига жиддий эътибор қаратилмоқда.

«Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларда яшаётган болаларни оилага яқин муҳитда, билимли ва касб-ҳунарли этиб тарбиялаш учун «Меҳр дафтари» доирасида бошлаган ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир.

Бу борада олиб бораётган ишларимизнинг амалий натижаси сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Кейинги уч ой давомида олижаноб инсонлар томонидан ана шундай даргоҳларда тарбияланаётган ўнлаб болалар фарзандликка қабул қилинди. Шу тўғрисида 3 та «Меҳрибонлик уйи», 1 та «Болалар шаҳарчаси» ўз фаолиятини тугатгани айниқса эътиборлидир.

Ўзбек халқининг юксак инсоний фазилатларини намоён этаётган ана шундай меҳр-шафқатли, болажон ва бағрикенг юрtdошларимизга, болалар уйлари оталикқа олиб, эзгу ишларни амалга ошираётган саховатли тадбиркор ва зиёлиларга, Миллий гвардия ходимларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Ҳозирги вақтда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган аёлларимиз барча ислохотларимизда фаол иштирок этмоқдалар. Хурматли оналаримиз, опа-сингилларимизга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий қисми бўлиб келаётгани сизларга яхши маълум. Шу боис хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қиламиз.

Навқирон ёшларимизни, айниқса, қизларимизни соғлом ва етук этиб тарбиялаш, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёб-

га чиқариш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Биз хорижий давлатларда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юрtdошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қиламиз. Хусусан, «Ватандошлар» жамоат фонди орқали чет элларда яшаётган фуқароларимиз ва уларнинг оилалари билан алоқалар кенгайтирилади. Ҳамюртларимизни она тилимиз, маданият ва урф-одатларимиз асосида жипслаштириш, уларнинг билим ва салоҳиятини мамлакатимиз тараққиётига самарали йўналтириш бўйича ишлар давом эттирилади.

**Бешинчидан,** Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда **«Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият»** концепциясини амалга оширамыз.

Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, **«жаҳолатга қарши – маърифат»** тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом

эътикод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз.

Сизларга маълумки, Ўзбекистон – улкан имконият ва бойликларга эга мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётгани, фидокорона меҳнати билан жонажон Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса қувонарлидир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини янада мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти сифатида шуни алоҳида таъкидлаб айтаман: бизнинг давлат сиёсатимизда бундан буён ҳам барча миллат ва элат вакиллари билан миллий ўзлигини, она тили ва маданиятини, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилади.

**Олтинчидан**, бугунги кунда инсоният кўплаб умумбашарий муаммоларга дуч келмоқда ва уларга ечим топиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Биз глобаллашув ҳар томонлама авж олаётган, шиддатли ўзгаришлар содир бўлаётган мураккаб замонда яшамокдамиз. Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар бизнинг мамлакатимизда ҳам ечилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳисобланади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, келажагимиз киёфасини белгилайдиган глобал муаммо-

ларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш зарурлигини аниқлатади.

Юртимизда экологик таҳдидларнинг салбий таъсири ортиб бормоқда. Буни куни кеча содир бўлган қум бўронлари ҳам яна бир бор тасдиқлади.

Орол денгизининг куриши билан боғлиқ вазият тобора кескин тус олмоқда. Шу борада биз Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этишга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш керак.

Шу йил август ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги конференцияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатларнинг изчил бажарилиши учун халқаро ҳамкорларимиз билан зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

**Еттинчидан**, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган бугунги мураккаб ва таҳликали вазиятда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бағишлаган, халқимиз фахрига айланган жасур ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш долзарб вазифамиздир.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун биз барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз.

Биз прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги муносабатларимизни янада ривожлантираемиз.

Энг аввало, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини тобора кучайтириш бундан буён ҳам асосий мақсадимиз бўлади.

Минтақамизнинг ажралмас қисми, яқин қўшнимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик учун афғон халқига қўлимиздан келган барча ёрдамни кўрсатамиз. Биз Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдоримиз.

Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва дунёнинг барча минтақаларидаги шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Парламентлараро иттифоқ, халқаро молиявий институтлар ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий Кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан кўп томонлама муносабатларни янги, амалий маъно-мазмун билан бойитаемиз.

**Биз – дунёга, дунё – бизга очиқ бўлиши керак. Бугунги ҳаёт, бугунги тараққиётнинг талаби ҳам аслида шу. Биз ана шу ҳал қилувчи тамойилни албатта ҳаётимиз қондасига айлантираемиз.**

Азиз ва қадрли юртдошларим!

Биз ўтган беш йил давомида, ғоят қийин ва мураккаб синовлар даврида катта тажриба орттирдик. Қанчалик оғир бўлмасин, маррани баланд олиб яшаш ва ишлашга ўргандик. Табиийки, маррани катта ол-

ган халқнинг қадамлари ҳам, эришадиган натижалари ҳам салмоқли бўлади.

Миллий ривожланиш йўлида орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича ўз олдимизга янада юксак вазифалар қўймоқдамиз.

Ҳаммамиз кўриб турибмиз – бугун замон жуда тез, мислсиз шиддат билан ўзгармоқда. Шунинг учун биз ислохотларимиз суръатини асло пасайтирмасдан, фақат олдинга боришимиз, ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланишимиз керак. Чунки, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтганларидек, «Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади».

Мана шу доно ҳикматни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

**Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим: Президент сифатида мен мамлакатимиз тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида бутун борлигимни бағишлаб, халқимга садоқат билан хизмат қилишни ҳаётимнинг маъно-мазмунини деб биламан. Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бахт-саодат йўқ.**

**Сиз, қадрли ватандошларимнинг чин дилдан қўллаб-қувватлашингиз, нуруний отахон ва онахонларимизнинг дуолари, азиз ёшларимизнинг ишончи менга катта куч-ғайрат беради. Шу боис сизлар билан, халқимиз билан бирга меҳнат қилишдан ҳеч қачон чарчамайман.**

Сўзимнинг якунида қалбимда, юрагимда бўлган эзгу тилакларимни изҳор этиб, айтмоқчиман.

Азиз ва мўътабар Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!

Халқимизнинг бахту иқболини, омадини берсин!

Барчамизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Улуғ ва пок ниятларимизни амалга оширишда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Эътиборингиз учун ташаккур.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ: ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ПРЕЗИДЕНТ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИING ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши<sup>1</sup> белгилаб қўйилган.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи нима учун керак? Бу ғоя қаердан келиб чиққан?

Франциялик файласуф Шарль-Луи Секонда Монтескьё ўзининг машҳур «Қонунлар руҳи ҳақида» номли илмий-тадқиқий асари учун манбалар йиғиш мақсадида бутун Европа ва Англияни кезиб чиқади. У Англия парламентининг узоқ чўзилган йиғилишида қатнашиб (манбаларда бу йиғилиш 12 соатга чўзилгани айтилади), ҳукумат билан унга муҳолифат бўлган гуруҳ ўртасидаги баҳс-мунозараларнинг гувоҳи бўлади. Бундай самарасиз ва ҳиссиёт таъсиридаги тортишувлар давлат ҳокимияти тизимида турли келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин, деган хулосага келади. Ўша вақтда энг тўғри хулосага келган Монтескьё, кейинчалик ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги назарияга асос солди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тизимида ҳам алоҳида эътироф этилган ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ўзаро барқарор муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашда олиб бораётган самарали фаолияти билан бевосита боғлиқ.

МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозимининг таъсис этилишида эндигина мустақиллик шабадаси эса бошлаган юртимизда демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш мақсади муҳим бўлган эди<sup>2</sup>. Қолаверса, ўша вақтларда Ўзбекистонда Президент институтининг жорий этилиши республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради эди<sup>3</sup>.

Давлат бошқарувида Президентлик институти дастлаб АҚШда жорий қилинган бўлиб, ҳозирда республика бошқарув шаклига асосланган мамлакатларда фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган мансабдор шахс сифатида кенг қабул қилинган<sup>4</sup>.

Дунёда Президент лавозими мавжуд бўлган давлатларни шартли равишда 3 га ажратиш, Президентлик, ярим Президентлик ва парламентар республикалар деган таснифлаш мавжуд. Бунда, асосий мезонлардан бири Президентнинг сайланишидир. Халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланган Президент кучли ваколатларга эга бўлади. Президент тўғридан-тўғри сайланганда фуқаролар унинг сайловолди дастури билан бевосита танишиш, мамлакат ва фуқароларни қизиқтираётган масалаларга номзодлар эътиборини қаратиш имконияти мавжуддир<sup>5</sup>. Мамлакатимиз Конституциясининг 90-моддасига кўра, Ўзбе-



кистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади<sup>6</sup>.

Бугунги кунда дунёнинг 150 га яқин мамлакатада Президентлик институти давлат бошқаруви тизимининг муҳим ва ажралмас қисмига айланган. Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг қатор мамлакатларида давлат бошқарувининг энг мақбул йўли деб, айнан Президентлик институти эътироф этилади.

Эътиборлиси, айрим (АҚШ, Лотин Америкаси, Африкадаги бир нечта) давлатларда Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. Бизга яқин бўлган давлатлар, хусусан, Россия, Беларусь, Молдова, Қозоғистон конституцияларига мувофиқ, Президент ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қилмайди<sup>7</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 2008 йилга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти расман Вазирлар Маҳкамасининг раиси – ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланган. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»ги Қонунга мувофиқ, Конституциянинг 89-моддасига тузатиш киритилиб, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди<sup>8</sup>, деб белгилаб қўйилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтиришдан иборатдир<sup>9</sup>. Қолаверса, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш вазифасининг Президент зиммасига юклатилиши унинг давлат ва миллат тақдирига доир

қарорлар қабул қиладиган олий мансабдор шахс экани билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш вазифаси халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мувофиқлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, Франция Республикаси Конституциясининг 5-моддасига мувофиқ, Франция Президенти Конституцияга риоя қилинишини таъминлайди<sup>10</sup>. Грецияда эса Президент давлат тузумини тартибга солувчи бўлиб ҳисобланади<sup>11</sup>. Португалия Республикаси Конституциясининг 120-моддасига кўра, Президент давлат бирлиги ҳамда демократик институтларнинг нормал фаолият юритишини таъминлайди<sup>12</sup>. Польша Республикаси Конституциясига мувофиқ, Президент Польша Республикаси олий вакилидир ва давлат ҳокимиятининг узлуксиз фаолияти кафилидир<sup>13</sup>. Шунингдек, Россия Федерацияси Конституциясининг 80-моддасида Россия Президенти давлат бошлиғи ҳисобланиши ва белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши белгиланган<sup>14</sup>.

Кўриниб турибдики, Президентнинг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш билан боғлиқ ваколати мамлакат Конституциясида мустақамланди. Унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари, республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлаш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш, Олий Мажлисга Бош вазир номзодини тақдим этиш, унга ишончсизлик вотуми билдирилганда лавозимидан озод қилиш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш, қонунларни имзолаш ва эълон қилиш, парламент палаталарини тарқатиб юбориш, Конституциявий суд, Олий судни шакллантириш каби ваколатларини амалга оширишда, албатта, парламент билан ўзаро муносабатларга киришади.

Президент ва парламентнинг ўзаро муносабатлари турли давлатларда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунга асосий сабаб

уларда давлат бошқаруви шаклининг турлича эканлигидир.

Шу ўринда кўплаб мунозараларга сабаб бўладиган бир масалага тўхталиб ўтсак. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистонда давлат бошқаруви шаклига доир мунозаралардир. Чунки, турли илмий-амалий конференцияларда, давра суҳбатлари ва бошқа тadbирларда мутахассисларга Ўзбекистонда давлат бошқарув шакли қандай, деган мазмунда кўп саволлар берилди. Таажжубки, мутахассислар ҳам бу борада аниқ бир

фикрни айтишмайди. Айримлар Ўзбекистонда давлат бошқаруви Президентлик республикасига, бошқалари ярим Президентлик республикасига, яна бир гуруҳ мутахассислар эса аралаш Президентлик республикасига хос деб ҳисоблайди.

Биз қуйидаги жадвалда дунё амалиётида мавжуд бўлган давлат бошқарувининг учта шаклини қиёсий таққослашга ҳаракат қиламиз ва бу кўпчилик учун Ўзбекистонда давлат бошқаруви шакли қандай, деган саволга жавоб топиши учун имкон беради деб ўйлаймиз:

ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ	ЯРИМ ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ	ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКАСИ
Президент – давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти бошлиғи	Президент – давлат бошлиғи, олий ижро ҳокимиятини ҳукумат бошлиғи билан бўлишади.	Президент – давлат бошлиғидир. Ижро ҳокимияти ҳукумат бошлиғига тегишли бўлади.
Ҳукумат Президент олдида ҳисобдор бўлади. Парламент олдида ҳисобдор эмас.	Ҳукумат Президент олдида ҳисобдор ва айрим масалаларда парламент олдида ҳам ҳисобдор ҳисобланади. Президент ҳукумат фаолиятига жавобгар эмас.	Ҳукумат фақат парламент олдида ҳисобдор ҳисобланади. Ҳукумат фаолиятига фақат ҳукумат бошлиғи жавобгар бўлади. Президент жавобгар эмас.
Ҳукумат аъзоларини Президент тайинлайди.	Президент парламентда энг кўп овозга эга бўлган партия фракцияси аъзолари орасидан ҳукумат бошлиғини тайинлайди. Шунингдек, ҳукумат бошлиғи таклифига кўра ҳукуматни бошқа аъзоларини тайинлайди.	-
Президент ўз хоҳиши билан ҳукумат аъзоларини лавозимидан бўшатади.	Президент ҳукумат бошлиғини айрим сабабларга кўра, лавозимидан озод этади. Ҳукумат бошлиғи такдимига кўра, ҳукумат аъзоларини лавозимидан озод қилади.	Президент ўз хоҳишига кўра, ҳукумат бошлиғини лавозимидан бўшата олмайди. Ҳукумат бошлиғи такдимига кўра ҳукумат аъзоларини лавозимидан озод қилади.
Президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланади ёки қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш учун таклиф бериш ҳуқуқига эга.	Қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш учун таклиф бериш ҳуқуқига эга.	-
Президент парламент томонидан қабул қилинган қонунни расман промульгация қилиш (лот. маъқуллаш учун эълон қилиш) ҳуқуқига эга.	-	Президент ҳукумат билан келишган ҳолда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланади.

Президент парламент томонидан қабул қилинган қонунга вето қўйиш ҳуқуқига эга.	Президент парламент томонидан қабул қилинган қонунга вето қўйиш ҳуқуқига эга эмас.	-
Президент ўз хоҳишига кўра, қонун кучига эга бўлган фармон чиқариш ҳуқуқига эга.	Президент ҳукумат рухсатини (санкция) олиб фармон чиқариш ҳуқуқига эга.	-
Президент ўз хоҳишига кўра, парламентни навбатдан ташқари сессиясини чақириш ҳуқуқига эга.	Президент ўз хоҳишига кўра, парламентни навбатдан ташқари сессиясини чақириш ҳуқуқига эга (ёки эга бўлмайди).	Президент ҳукумат билан келишиб фармойиш чиқариш ҳуқуқига эга.
Президент парламентни тарқатиб юбориши ва муддатидан олдин парламент сайловини ўтказиш муддатини белгилаш ҳуқуқига эга (ёки эга бўлмайди).	Президент парламентни тарқатиб юбориши ва муддатидан олдин парламент сайловини ўтказиш муддатини белгилашда қисман чегараланган ёки чегараланмаган ҳуқуққа эга бўлади.	-
Президент ўз хоҳиши билан референдум ўтказиш ҳуқуқига эга (ёки эга эмас).	Президент айрим шартлар билан референдум ўтказиш ҳуқуқига эга (ёки эга эмас).	Парламент томонидан ҳукуматга ишончсизлик билдирилган ҳолларда, Президент парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан олдин парламент сайловини ўтказиш муддатини белгилаш ҳуқуқига эга.
Президент мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилишда қисман чегараланган ёки чегараланмаган ҳуқуққа эга.	Президент мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилиш ҳуқуқига эга эмас.	Президент референдум ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.
Президент мамлакат қуроли кучларини олий бош қўмондонини ҳисобланади.	Президент расмий равишда олий бош қўмондон бўлиши мумкин, бироқ мамлакат қуроли кучларига амалда мудофаа вазири бошчилик қилади ва ҳукуматга ҳисобдор бўлади.	-
Президент етакчи партиясини бошлиғи ҳисобланади ва партия курсига раҳбарлик қилади.	Президент етакчи партиясининг бошлиғи эмас ва у билан расман алоқаси йўқ.	Президент ўз фаолияти давомида сиёсий партияга ҳисобдор эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда давлат бошқарувида бир вақтнинг ўзида «Президентлик» ва «ярим Президентлик»

шаклига ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Бироқ, бунини «аралаш Президентлик бошқаруви» шакли деб айтиш қанчалик тўғри бўлади?

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида давлат бошқарувининг «ярим Президентлик республикаси»га хос бўлган ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса-да, амалда Ўзбекистонда давлат бошқаруви шакли «Президентлик республикаси»га мувофиқ деб, хулоса қилиш тўғри бўлади.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарув шакли Президентликка асосланганлигини ва бу қоида Конституциянинг 89-моддасида мустақамлаб қўйилганлигини ҳисобга олиш лозим.

Президент ва парламентнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, уларнинг ўзаро муносабатларига доир айрим йўналишларга эътибор қаратсак. Демак, буларни қуйидаги йўналишларга ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш; Бош вазир номзодини тақдим этиш, ҳукуматни шакллантириш; қонун ижодкорлиги жараёнидаги муносабатлар; мамлакатни мудофаа қилиш ва фавқулодда вазиятлар жорий қилиш, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш, Президентнинг парламент палаталари мажлисида иштирок этиши ва бошқалар.

Р. Хақимов Президентнинг бундай кенг ваколатларга эга бўлиши айрим ҳуқуқшунослар томонидан Президентнинг давлат ҳокимият тизимида тутган ўрнини мутлақлаштиришга ҳаракат қилинади, деб таъкидлайди ва «Президентлик институтини мутлақлаштириш ва давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан устун қўйиш давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципини инкор этиш билан баробардир. Зеро, ушбу принципга асосан давлат ҳокимияти ҳар бир тармоғи мустақил ва тенг бўлиши лозим»лигини ёзади<sup>15</sup>.

Бироқ, М. Мирақулов Россиялик олим Л. Окуньковнинг Президентнинг ҳокимиятнинг уч тармоғидан бирон-бирига мансуб эмаслиги факти Президентнинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмаслигини англатмаслиги, жаҳон конституциявий амали-

ётида ҳокимиятларнинг «соф ҳолатда» бўлиниши модели мавжуд эмаслиги<sup>16</sup> ҳақидаги ғоясига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳокимиятининг бирон-бир тармоғига мансуб эмас, деган фикрни илгари суради<sup>17</sup>.

Бу ўринда М. Мирақуловнинг фикрига қўшилиш мумкин. Чунки, юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик, Конституцияга мувофиқ Президент давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Кўришиб турибдики, у давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига кирмайди ва алоҳида олий мақомга эга бўлган мансабдор шахс ҳисобланади.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида Олий Мажлис ва Президентнинг ўзаро муносабатлари сезиларли даражада фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан Президент мурожаатномаси тўрт маротаба тақдим этилди. Бу эса, Президентни парламент билан бамаслаҳат фаолият юритишига яққол далилдир.

Айниқса, парламент қонун ижодкорлиги соҳасида Президентнинг иштироки ҳар доимгидан ҳам фаоллашди десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда Президент ва парламентнинг ўзаро муносабатлари давлат органларини шакллантиришда янада такомиллашди. Бир сўз билан айтганда, Президент ташаббуси билан ҳукуматни шакллантиришда парламентга кенг имкониятлар берилди.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Қонунга 2019 йил 5 мартда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллашнинг янги тартиби жорий қилинди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади. Ушбу тартибнинг жорий қилиниши ҳам бевосита Президент ташаббуси самарасидир.

Парламент ва Президент ўзаро муносабатларида мансабдор шахсларни тайинлаш ёки тасдиқлашдаги яна бир муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳисобланади.

Авваллари Бош вазир лавозимига номзод Қонунчилик палатасида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланадиганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши керак эди. Президентнинг ташаббуси билан келгусида Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури, фракциялар вакиллари унинг ўз фикрлари ва нуқтаи назарлари баён этилган маърузалари эшитилганидан сўнг Бош вазир номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиган бўлди. Бу билан сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари роли оширилди ва улар олдида Бош вазир масъулияти янада кучайтирилди<sup>18</sup>.

Парламент ва Президент ўзаро муносабатларида мансабдор шахслар номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлашда парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ҳам алоҳида ваколатлар берилган.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ва Олий судини сайлайди, шунингдек Судьялар олий кенгашининг раисини тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикасининг чет

давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакиллари, Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳам Сенат ваколатига киради<sup>19</sup>.

Сенат ва Президентнинг ўзаро муносабатлари Сенатни шакллантиришда янада яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади<sup>20</sup>.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президент мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан тортиб, давлат ҳокимияти органларини ва ҳатто парламент қуйи палатасини шакллантиришда ўзаро муносабатларга киришади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият ва Давлат бошлиғининг ўзаро муносабатларини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Бизнингча, Президентнинг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили институтини жорий қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Бундай институтнинг жорий қилиниши билан Олий Мажлис ва Президент ўзаро муносабатларида янада самарали ҳамкорлик таъминланади, мамлакатда олиб бориладиган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида Президент томонидан таклиф этиладиган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ишлари тезлашади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамасдан, Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид со-

лувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенат тарқатиб юборилиши мумкин.

Тўғри, Президент давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан бундай ваколатга эга бўлиши керак. Аммо, Конституциявий суд билан бамаслаҳат қарорнинг қандай ва қайси тартибда қабул қилинишига аниқлик киритилиши лозим.

Фикримизча, Президентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенатни тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарори лойиҳаси ва унга илова қилинган тушунтириш хати дастлаб Конституциявий судда кўриб чиқилиши керак. Агар, Президент қарори Конституциявий суд мажлисида Конституцияга мувофиқ деб топилса, шундан сўнг уни расмий матбуотда эълон қилиш ва кучга кириши тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**А. РАХИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Давлат бошқаруви академияси**  
**мустақил изланувчи докторанти,**  
**юримдик фанлар номзоди**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990.– № 10-11, 197-модда.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 142.

<sup>4</sup> Қаранг: Сахаров Н.А. Институт президентства в современном мире. – М., 1994. – С.5

<sup>5</sup> (Электронный ресурс). Режим доступа: [https://constitution.uz/uz/pages/Prezidentlik\\_instituti](https://constitution.uz/uz/pages/Prezidentlik_instituti)

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.44.

<sup>7</sup> Конституции государств стран мира интернет – библиотека: <https://worldconstitutions.ru/>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.43.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007 й, №4. 161-162 - моддалар.

<sup>10</sup> Конституции государств стран мира интернет – библиотека: <https://worldconstitutions.ru/>

<sup>11</sup> Конституции государств стран мира интернет – библиотека: <https://worldconstitutions.ru/>

<sup>12</sup> Конституции государств стран мира интернет – библиотека: <https://worldconstitutions.ru/>

<sup>13</sup> Конституции государств стран мира интернет – библиотека: <https://worldconstitutions.ru/>

<sup>14</sup> Конституции государств стран мира интернет – библиотека: <https://worldconstitutions.ru/>

<sup>15</sup> Ҳакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – масъул муҳаррир: ю.ф.н. Ф.Э.Мухамедов. – Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти – Тошкент.: 2021. –Б. 64.

<sup>16</sup> Окуньков Л.А. Президент Российской федерации. Конституция и политическая практика. – М.: Изд.гр. инфра М-Норма, 1996. – С. 5.

<sup>17</sup> Мирақулов М. Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг конституциявий асослари (тарихий-қийсий таҳлил) // Конституция – демократик тараққиёт қафолати / Масъул муҳаррир: Ш. Ҳ. Файзиев. – Т.: 2007. –Б.131.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда;

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.26.

<sup>20</sup> Қаранг: Ўша жойда.

## ЕРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимоясининг конституциявий кафолатлари иқтисодийнинг барқарор ўсишига эришишнинг энг муҳим омилidir. Айниқса, бу жиҳат ерга оид муносабатларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Қайд этиш керак, ер миллий давлатнинг фундаментал ресурсидир. Ерсиз, ҳудудсиз миллий давлат мавжуд бўлиши мумкин эмас<sup>1</sup>. Уй-жой, савдо комплекслари қурилиши, қишлоқ хўжалиги, табиий ресурслардан фойдаланиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш – буларнинг барчаси ерга оид муносабатларга ва ундан фойдаланишга асосланади.

Шу маънода давлат томонидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда ерга нисбатан мулк муносабатлар муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасидалиги белгиланган.

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 83-моддасига кўра эса, мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Ушбу моддада ер участкалари кўчмас мол-мулк турлари қаторига киритилган.

Бошқа мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи турли даврларда мунозарали бўлиб келган ва унга оид турлича қарашлар шаклланган.

Бунда, мулк ҳуқуқи ерлар кимга тегишлилигини ва мулкдорларнинг табиий ресурсларга нисбатан ваколатларини аниқлатади. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи унга эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш жараёнида намоён бўлади. Ерлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, асосан давлат мулки ҳисобланади.

ФКнинг 214-моддасига мувофиқ, ерлар республика мулки ҳисобланади. Мазкур Кодекснинг 170-моддасига кўра, ерга ва бошқа та-

биий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ерга нисбатан мулк ҳуқуқининг қонуний асослари бир қатор ҳужжатларда белгиланган. ФКнинг 188-моддасига кўра, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади. Демак, ерни бир жойда кўчмас мулк, бошқа жойда эса бизни ўраб турган табиий муҳитнинг таркибий қисми деб аташ мумкин. Бу эса, ерларда ҳам экологик, ҳам иқтисодий белгилар мавжудлигини аниқлатади. Яъни, ер бир вақтнинг ўзида ҳам табиий объект, ҳам мулк бўлиб қолаверади ва уни атроф-муҳитдан ажратиб бўлмайди.

Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистонда ер умуммиллий бойлик – давлат мулки бўлгани учун у «соф» равишда хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

Бироқ, бозор иқтисодиётининг асоси хусусий мулкчиликдир. Ерга нисбатан хусусий мулкчиликсиз бозор иқтисодиёти тўлиқ бўлмайди.

Шу муносабат билан ҳам бугунги кунда юридик назарияда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқининг эътироф этилиши билан боғлиқ қарашлар ўзгариб бормоқда.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ер участкаси деганда, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилмаган ёки ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган, ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми тушунилади<sup>2</sup>.

Қишлоқ хўжалигида замонавий ишлаб чиқариш – юқори ҳосилдорлик ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришнинг бу соҳада бозор муносабатларини тикламасдан амалга ошириш имконсиз. Бозор муносабатлари эса,

качонки ишлаб чиқарувчи, яъни деҳқон ўз меҳнат фаолиятида эркин ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларининг энг муҳими бўлган ернинг ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий мулкдори бўлсагина, ривожланади.

Ўзбекистонга ўхшаш тарихий жараёнларни бошдан кечирган давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида ерни хусусийлаштириш тажрибаларини таҳлил этсак, бу жараён асосан икки хил усулда амалга оширилган.

Ерни хусусийлаштиришнинг **биринчи тури** бу – реституция усули. Реституция<sup>3</sup> (лотин тилидан, restitutio – қайта тиклаш) мулкни хужжатлар асосида, мулкдорлик ҳуқуқини тиклаб, ўзининг аввалги эгаларига қайтариб беришдир. Бу турдаги хусусийлаштириш кўпроқ Шарқий Европа ва Болтиқбўйи давлатларида жорий этилди ва ҳозирга қадар амалда.

Ерни хусусийлаштиришнинг иккинчи турида ерлар қишлоқ хўжалигида бевосита банд бўлган аҳоли қатламига бепул улуш (пай) си-

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи белгиланишининг фуқаровий ҳуқуқий масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, ер участкасига нисбатан хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш масалалари илмий тадқиқ қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида бир қатор илмий назарий ва амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** ер участкаси, ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи, ер участкаларини компенсация эвазига давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

\* \* \*

В статье рассматриваются гражданско-правовые вопросы установления права собственности на земельные участки. Изучены гражданско-правовые вопросы совершенствования защиты данных прав, обеспечения неприкосновенности частной собственности на земельные участки, исходя из опыта зарубежных стран, даны теоретические и практические рекомендации по совершенствованию законодательства по данной проблеме.

**Ключевые слова:** земельный участок, право собственности на земельные участки, изъятие земельных участков для государственных и общественных нужд на условиях компенсации, обеспечение неприкосновенности частной собственности, защита прав и законных интересов собственников.

\* \* \*

The article discusses the civil law issues of establishing the right of ownership of land plots. The civil law issues of improving the protection of these rights, ensuring the inviolability of private ownership of land plots are also studied in this article, based on the experience of foreign countries, theoretical and practical recommendations are given for improving the legislation on this problem.

**Key words:** land plot, ownership of land plots, seizure of land plots for state and public needs on the terms of compensation, ensuring the inviolability of private property, protection of rights and the legitimate interests of the owners.



фатида тақдим этилган. Хусусийлаштиришнинг бу тури Россия Федерациясида амалга оширилган<sup>4</sup>.

Хорижий мамлакатларда ер муносабатлари соҳасида ўтказилган ислохотлар, ерга нисбатан мулкчилик шаклининг ва давлатнинг монопол ҳуқуқи ўзгартирилиши, ундан фойдаланувчилар доираси кенгайтирилиши катта иқтисодий самара берган.

Хусусан, Болгарияда 1992 йилда «Ер тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, унда мамлакатда эркин ер бозорини шакллантириш назарда тутилган.

Руминияда эса 1991 йилдаги «Ер тўғрисида»ги Қонунга асосан қишлоқ жойларидаги ҳар бир оилага 10 гектаргача (бир киши учун 0,5 гектардан кам бўлмаган миқдорда), лекин 100 гектардан кўп бўлмаган миқдорда ерга эгалик қилиш ҳуқуқи берилди. Дехқонларнинг томорқа ерлари уларнинг хусусий ерларига айланди. Хусусий мулк сифатида ер олган барча фуқаролар 8 йил муддатга ер солиғи тўловидан озод қилинди. Руминия қонунчилигига мувофиқ, барча ер эгалари қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли фойдаланишга мажбурдир.

Австралияда ҳанузгача XIX асрда қабул қилинган ерни эркин танлаш тамойили амал қилмоқда. Ер участкаларини сотиш билан бир қаторда ерни ижарага бериш ҳам кенг тарқалган. 1892 йилда Австралияда ерни 99 йилга ҳар йили ушбу ер қийматининг 4 фоизи миқдорида ижара тўлови тўлаш шарти билан ижарага бериш ҳақида қонун қабул қилинган. Бу билан давлат ерга нисбатан мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиб, давлат даромадига доимий тушум тушиб туришини таъминлаган<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда бу жараён мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва ўзбек халқининг миллий менталитетидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос усул танланиб, амалга оширилаётганлиги ўта муҳим аҳамиятга эга.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз аҳолисидан ер тортиб олинган қолхозлаштириш давридан бери аҳоли ердан фойдаланувчи бўлиб келган. Собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида ва мустақиллик даврида ерни хусусийлаштиришга бир неча марта уриниш бўлган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–745-сонли Фармони<sup>6</sup> билан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга танлов асосида сотишга рухсат берилган, 1994 йил 24 ноябрдаги «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПФ–1009-сонли Фармон<sup>7</sup> билан туман ва шаҳарларнинг ҳокимликларига фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун яқка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдонини кимошди савдоси асосида сотиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сонли қарори билан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби белгиланди.

Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада кенгайтириш ва унинг родини ошириш, бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида 2006 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ва иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги ПФ–3780-сонли Фармони<sup>8</sup> қабул қилинди. Унга асосан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлари мулк ҳуқуқи асосида ўзларига тегишли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини, қўлланадиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиш норма ва қоидаларини ҳисоб-

га олган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – резидентлари якка тартибда уй-жой куриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар<sup>9</sup>.

Бозор иқтисодиёти шароитида ердан фойдаланишни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, жамиятда иқтисодий муносабатлар тобора ривожланиб бораётган, ер иқтисодий муносабатларга кўпроқ тортилаётгани сари ушбу вазифанинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шу сабабли, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш, соҳадаги юридик нормаларни ўрганиш, уларни ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарурати вужудга келмоқда<sup>10</sup>.

Шу муносабат билан бугунги кунда мамлакатимизда ерга нисбатан хусусий мулкчилик белгиланиши ва тегишли ҳуқуқий асосларнинг қабул қилиниши ўта муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар<sup>11</sup> стратегияси тўғрисида»ги Фармонида хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади», деган тамойилни амалга ошириш тартиби ҳам аниқ кўрсатиб берилди.

Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ерга нисбатан мулкчиликни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5495-сонли Фармонининг 3-бандида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш учун асосларнинг чекланган рўйхати белгилаб қўйилди<sup>12</sup>.

Аҳамиятлиси, мазкур Фармонда қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлмаган ер участкаларига (биринчи босқичда – биноларни ер участкалари билан бирга сотишда ва кўчмас мулк қурилишида) хусусий мулк ҳуқуқини босқичма-босқич жорий этиб, уларни фуқаролик айланмасига татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5623-сонли Фармонида эса, ер участкаларининг айланмаси ва улардан фойдаланишда замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлган ҳолатлар белгиланиб, хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк (фуқаролик муомаласи объеклари) ҳисобланиши ва дахлсиз эканлиги, шунингдек «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустақамлаб қўйилди.

Мазкур ҳужжатлар асосида 2020 йил 1 мартдан кучга кирган «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда ер участкаларини хусусийлаштиришнинг асосий қоиди ва тартиблари белгилаб қўйилди.

О. Холмўминовнинг фикрича, ҳуқуқий эксперимент тариқасида қабул қилинган ушбу Қонун муайян даражада ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий этишнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Унда, биринчи навбатда, хусусийлаштирилиши мумкин бўлган ер участкалари сифатида жисмоний шахсда корхона бўлиб, у муайян участкада жойлашган бўлса, у ҳолда у ушбу ерни хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлди. Бунда, ер участкалари ва уларда жойлашган объектлар бирлиги тамойили мавжуд бўлади<sup>13</sup>.

Шу муносабат билан ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкӣй ва ҳуқуқӣй муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ер эгаларининг мулкӣй ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек ернинг иқтисодӣй қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик-ҳуқуқӣй муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сонли Фармони<sup>14</sup> ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш ва уни фуқаролик ҳуқуқӣй ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Фармон билан ерга бўлган ҳуқуқ турлари такомиллаштирилиб, мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш амалиёти тўлиқ тугатилди, ер участкалари хусусий сектор учун – мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотлари учун – доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши белгиланди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига – хусусий мулк қилиб сотиш, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерларни ҳамда хорижий шахсларга – ижара ҳуқуқини сотиш, жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрида бўлган бино-иншоотлар остидаги ерларни ҳақ эвазига хусусийлаштириш белгиланди.

Фармондаги қоидаларни амалиётга жорий қилиш мақсадида 2021 йил 16 августда «Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун<sup>15</sup> қабул қилинди.

Қонун билан Ер кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, ернинг олди-сотди қилинмаслиги, айирбошланмаслиги, ҳадя

этилмаслиги ва гаровга қўйилмаслигига оид нормалар чиқариб ташланди, юридик шахслар мулк, доимий фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида, жисмоний шахслар мулк ва ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлиши мумкинлиги, уларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, ер хусусий мулкка айлангач, ўз-ўзидан ер бозори пайдо бўлади, худдики бир пайтлар уй-жой хусусийлашгач, уй бозори пайдо бўлганидек. Демак, ернинг ҳақиқӣй бозор баҳоси шаклланади. Бундан ташқари, ерни гаровга қўйиш, ижарага бериш каби имкониятлар пайдо бўлади, яъни ер иқтисодӣй муомала объектига айланади.

Оддий фуқаро ҳаётида нималар ўзгариши мумкин? Биринчи навбатда, унинг хусусий мулки мустаҳкам ҳимояга эга бўлади. Ҳозирги кунда уй-жойларни давлат эҳтиёжи учун олиб қўйиш, обод шаҳарлар ва маҳаллалар қуриш асносида хусусий мулк дахлсизлиги масаласи бирмунча муаммога айлангани сир эмас. Одамлар ернинг эмас, фақат унинг устига қурилган бинонинг мулкдори бўлгани ҳолда, баъзан шу бинонинг ҳам товон пулини ололмай сарсон бўлаяпти. Шундай шароитда фуқароларнинг мулкини ҳимоя қилиш учун уни мустаҳкам заминга боғлаб қўйиш имкони пайдо бўлди.

Юқорида кўрсатилган ҳуқуқӣй ҳужжатлар талабига кўра, хусусий ерлар фақат мулкдорнинг розилиги билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши мумкин.

Агар ер хусусийлаштирилган бўлса, энди бинонинг, мулкнинг компенсациясини тўлабгина ерни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш имкони бўлмайди. Бунда, ерни мулкдордан сотиб олиш ёки бошқа йўл билан уни рози қилиш керак бўлади. Агар рози қилинмаса, унинг ерини олиб қўйиш мумкин эмас. Демак, фуқароларда ўз мулкларини ҳимоя қилиш учун яна бир қонунӣй имконият яратилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг мулкӣй ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш, уларнинг ер участ-

касига нисбатан мулк ҳуқуқи ва уни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид ислоҳотларни изчил амалга ошириш лозим.

**Биринчидан**, бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, ушбу Кодексга 30 га яқин ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида мураккаб ва тезкор иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бу Кодекс тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Мазкур Кодексда ер билан боғлиқ айнан қандай турдаги ижтимоий муносабатлар қонун ва қандай турдаги муносабатлар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши аниқ белгилаб берилмаган. Шу муносабат билан айна пайтда соҳадаги кўплаб муносабатлар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ер кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш орқали уни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга мослаштириш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш ер соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ тартибга солишни қамраб олиш ва давлатнинг иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш учун зарур ва долзарбдир.

**Иккинчидан**, ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган объектларни бузиб ташлаш кўплаб давлатларда долзарб муаммо ҳисобланади ва ушбу масалаларнинг лозим даражада ҳуқуқий тартибга солинмаслиги аксарият ҳолларда аҳоли орасида норозиликларга сабаб бўлади.

Қайд этиш керакки, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга оид масалалар бугун асосан қонуности ҳужжатлари, жумладан, ҳукумат қарорлари билан тартибга солинган. Ушбу соҳада қонунчиликнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйиш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, «Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиш (экспроприация) тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Учинчидан**, мулкчилик ҳуқуқига асосланган бозор муносабатларининг ривожланиши, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, кўчмас мулкни баҳолашнинг бозор механизмларига таянган тизимини яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу муносабат билан кўчмас мулк объектларининг, жумладан, ер участкасининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, кўчмас мулкни давлат кадастр баҳолашни ўтказишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Кўчмас мулкларни давлат кадастр баҳолаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

**Тўртинчидан**, ишлаб чиқиладиган Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида Кодекснинг асосий вазифалари қаторида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, уларнинг мулк ҳуқуқларини, жумладан, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборатлигини белгилаш, тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқларига оид конституциявий кафолатларни, жумладан, давлат барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши, тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишига кўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этишига оид нормаларни киритиш таклиф этилади.

Шунингдек, Кодекс лойиҳасида алоҳида моддада тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатларига оид нормаларни, жумладан, тадбиркорлик субъектидан мулкни олиб қўйишга, унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилишга, уларни чеклашга йўл қўйилмаслиги, тадбиркорлик субъектларининг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилиниши кабиларни мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Бешинчидан**, компенсация тўловларини тўлаш учун етарли маблағларга ёки тайёргарликка (жумладан, олиб қўйилаётган ер май-

донлари ўрнига тенг миқдорда ер участкаларини олдиндан захира қилиб қўймаслик) эга бўлмасдан туриб, мулкни давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйганлик учун алоҳида жавобгарликни белгилаш орқали мулкни қасддан нобуд қилганлик ёки унга зарар етказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш лозим.

**Олтинчидан**, хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимоясининг конституциявий кафолатларини амалда таъминлаш мақсадида мулккий, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ маъмурий ҳужжатларни, жумладан, ҳоким қарорларини, ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг ўзи ёки юқори турувчи органи томонидан бекор қилиш амалиётини тўхтатиб, уларни фақат суд тартибда бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш, давлат активларини сотиб олишда қўлланилган инвестиция киритиш ёки бошқа кўринишдаги мажбуриятлардан ташқари ҳолатларда хусусий мулкдан фойдаланилмаётганлиги ёки оқилона фойдаланилмаётганлиги асосида мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юклаш ёки оширилган миқдорда (ставкада) солиқлар ва бошқа

ийғимлар белгилаш тартибини бекор қилиш таклиф этилади.

**Еттинчидан**, хусусий мулк ҳимоясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Жумладан, лойиҳада хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилиш асосларининг қатъий рўйхатини белгилаш, хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши билан боғлиқ қоидаларга аниқлик киритиш, мол-мулкдан суднинг қарорисиз маҳрум қилиш мумкин эмаслиги, ундирувни мол-мулкка қаратиш йўли билан мол-мулк олиб қўйилаётганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш ҳамда унинг бозор активдаги улушини оширишни янада кенгайтириш масалалари ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

**Ш. НАЗАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**  
**Иқтисодий суд ишларини юритиш**  
**соҳасида қонунчиликни таҳлил**  
**қилиш бўлими бошлиғи**

<sup>1</sup> R. Jennings and A. Watts, eds., *Oppenheim's International Law* (London, 1992) (hereafter, «Oppenheim»), at 121.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда, Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2019 й., 03/19/552/3541-сон.

<sup>3</sup> Большой юридический словарь. М.: Инфра-М, А.Я.Сухарев, В.Е.Крутских, 2003.

<sup>4</sup> Holmo'minov, O. (2020) "Civil law issues of land ownership formation, Review of law sciences: Vol. 4 : Iss.1 , Article 20.

<sup>5</sup> Кучкинов К.А. Ердан фойдаланишга оид шартномаларни ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. дис. ... – Тошкент: 2012. – 17 б.

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/195887>

<sup>7</sup> <https://lex.uz/docs/197514> (2021 йил 30 апрелда кучини йўқотган)

<sup>8</sup> «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 30-сон, 288-модда.

<sup>9</sup> Раҳмонкулов Х., Азизов Х., Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари. Монография. Т.: 2013. – 190 бет.

<sup>10</sup> Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили. Монография. Тошкент. ТДЮУ, 2016. – 72 б.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>12</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.

<sup>13</sup> Holmo'minov, O. (2020) "Civil law issues of land ownership formation," Review of law sciences: Vol. 4: Iss.1, Article 20.

<sup>14</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.06.2021 й., 06/21/6243/0540-сон.

<sup>15</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон.

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Фан ва техниканинг ҳозирги ривожланиш даражасини бундан ярим аср олдин тасаввур қилиш жуда қийин эди. Бироқ, бугунга келиб, дунёнинг кейинги тараққиёти интеллектуал фаолият ва унинг натижалари самарадорлигига боғлиқ эканлигини барча бирдек эътироф этмоқда.

Маълумки, ижод эркинлиги инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми бўлиб, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларация»сининг 27-моддасида ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бизга маълумки, инсоният тамаддунининг ҳамма босқичларида ижодкорлик ва инсон ҳаёти учун янгилик, қулайлик туғдирадиган воситаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Қадим замонлардаёқ, қабилалар ва давлатлар ўзларининг топқирликлари, мавжуд муаммоларни ечишда янгича усул ва воситаларни кашф этишлари, қулай ва фойдали иш қуролларининг янгиларини яратишлари билан ўзларига рақобатда бўлган бошқа давлатлардан илгарилаб кетишга ҳаракат қилишган. Бу ҳолат ижодкор шахслар меҳнати ҳар доим давлатнинг алоҳида эътиборда бўлишини таъминлаган.

XX асрга келиб эса, саноат ва техника соҳасида оламшумул кашфиётлар, қўл меҳнати ўрнига ишлаб чиқаришда машиналар ва техник ускуна ва воситаларнинг кенг жорий этилиши ҳар бир давлат учун иқтисодий юксалишнинг энг асосий омилига айланди. Эндиликда давлатлар ўртасида ҳудудлар учун кураш эмас, балки янги замонавий технологияларни яратиш, шу орқали иқтисодий самарадорликка эришиш, саноат технологиялари бўйича доимо ривожланишда бўлиш ва рақобатбардошликка эришиш учун кураш бўлиши табиий ҳол сифатида тан олинган.

Таъкидлаш лозимки, фан-техниканинг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришда энг замонавий ва самарали технологияларни жорий

этиш ва жаҳон иқтисодиётида рақобатчилардан ўзиб кетиш ҳозирги замон давлати учун бирламчи ва энг зарурий вазифа бўлиб турганлиги сир эмас. Зеро, XXI асрда жисмонан кучли инсонлар эмас, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ва доимий равишда самарали ва ўзига хос янгилик сифатида иқтисодий ривожланишга замин ярата оладиган ижодкор шахсларгина кўпроқ кадрланадилар.

Интеллектуал фаолият ва унинг натижаларини ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиши учун аҳамияти бениҳоя юқори эканлигини эътироф этган ҳолда, фаолиятнинг ушбу турини ва фуқаролик ҳуқуқининг мазкур объектини ҳуқуқий нуқтаи-назардан муҳофаза қилиш, уларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, мамлакат географик жойлашуви нуқтаи-назаридан мазкур муносабатлар тизимида ўзига хос монопол ҳуқуққа эга бўлиш (айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида)ни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш давлатнинг келажақдаги тараққиёти учун энг муҳим вазифалардан бири саналади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда интеллектуал фаолият ва унинг натижаларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашга қаратилган ўзига хос қонунчилик базаси шакллантирилган. Интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг тамал тоши ва дебочаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасини келтириб ўтиш лозим. Мазкур моддага мувофиқ, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Маълумки, илмий ва техникавий ижодкорлик ўзига хос икки йўналишга бўлинади:

### 1. Ижодий фаолият;

### 2. Илмий-тадқиқот фаолияти.

Биринчи ҳолатда ижодий фаолият билан шуғулланиш, уни амалга ошириш, ижодий қобилиятни рўёбга чиқариш учун шахсга нисбатан

ҳеч қандай талаб ва цензлар қўйилмайди. Бунда, фуқаро ўз истак ва хоҳишидан келиб чиқиб, муайян санъат асарларини яратиши мумкин. Масалан, шоирнинг шеър ёзиши, ҳайкалтарошнинг ҳайкал ясаши, ёзувчининг роман битиши, раскомнинг расм чизиши ва шу кабилар.

Интеллектуал мулк объектлари доираси биринчи марта Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС)ни таъсис этувчи 1967 йил 14 июлдаги Конвенция 2-моддасининг 8-бандида белгилаб берилган. Унда кўрсатилишича, интеллектуал мулк қуйидагиларга нисбатан юзага келадиган ҳуқуқларни ўзида ифодалайди:

- адабий, бадиий ва илмий асарларга нисбатан;
- артистлар, овоз ёзиш, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларининг ижрочилик фаолиятига нисбатан;
- инсон фаолиятининг барча соҳадаги ихтироларига нисбатан;
- саноат намунасига нисбатан;
- товар ва хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номи ва тижорат сирларига нисбатан;
- ноқонуний рақобатдан ҳимояланишга нисбатан;
- ишлаб чиқариш, илмий, адабий ва бадиий соҳадаги интеллектуал мулкка тааллуқли барча бошқа ҳуқуқларга нисбатан.

Ҳуқуқий адабиётларда ижодий жараённинг икки ҳолати таъкидлаб кўрсатилади:

**1) асар яратиш жараёнининг онгли, интеллектуал характери;**

**2) яратилган асарнинг янгилиги, оригиналлиги<sup>1</sup>.**

Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал фаолиятнинг бир тури ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи кенг маънода фан, адабиёт ва санъат асарларини ихтиро қилиш, фойдаланиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бошқача айтганда, у асар муаллифига тегишли бўлган ва қонун нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлар тизимини ташкил қилади. Муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатлар ҳар бир давлатнинг ўз қонунлари ва халқаро конвенциялар билан тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида муал-

лифлик ҳуқуқи асосан амалдаги Фуқаролик кодексининг 1041–1073-моддалари ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексининг 1041-моддасига асосан, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт, санъат асарларига, унинг мақсади ва кадр-қиймати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиши учун асар тугалланган бўлиши шарт эмас. Шу сабабли, асар тугалланмаган бўлса ҳам, агар унда ижодийлик унсурлари мавжуд бўлса, муаллифлик ҳуқуқининг мустақил объекти ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқининг вужудга келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор расмийликка риоя қилиш талаб этилмайди. Ҳолбуки, интеллектуал фаолиятнинг бошқа объектлари бўйича ҳуқуқий муҳофаза бу объект ваколатли давлат идораси томонидан махсус муҳофаза ёрлиғи (патент, гувоҳнома) олгандан кейин вужудга келади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф этилаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан (агарда улар илмий асар сифатида объектив шаклга солинмаган бўлса) жорий этилмайди. Расмий ҳужжатлар, шунингдек уларнинг расмий таржималари, расмий рамзлар, халқ ижодиёти асарлари, оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар, инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар (масалан, робот томонидан басталанган мусиқа, ёзилган шеър) ҳам муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлиб ҳисобланмайди<sup>2</sup>.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари қуйидаги турлардан иборат:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув-публицистик ва бошқа асарлар);
- драматик ва сценарий асарлари;
- матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали-драматургик асарлар;
- хореография асарлари ва пантомималар;

- аудиовизуал асарлар;
- рангтасвир, хайкалтарошлик, графика, дизайн ва бошқа тасвирий-оммавий санъат асарлари;
- манзарали-амалий ва сахна безаги асарлари;
- архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;
- жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар, асарлар;
- барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан, амалий дастурлар ва операция тизимлари;
- ушбу Кодекснинг 1041-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар.

Муаллиф асарларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши муаллифлик шартномалари асосида амалга оширилади. Асардан фойдаланишнинг шартномавий шакли муаллифнинг ҳам шахсий, ҳам мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоялаш ва ундан фойдаланишда бошқа усуллардан кўра мукамал ҳимояни таъминлайди. Шартномавий шакл фойдаланувчининг ҳам манфаатига мос келади, чунки улар асардан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқи бўлмаган муайян ҳуқуқларни олади ва бу билан асарни оммавийлаштириши ҳамда ўз харажатларини қоплаб фойда олиши мумкин бўлади. Ва ниҳоят, муаллифлик шартномаси асосида фойдаланишда жамият ҳам тўлиқ манфаатдор бўлади, чунки бундай тартиб унинг аъзоларини ижодий активлигини таъминлайди ва жамиятнинг маънавий бойлигини оширишга кўмаклашади.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги<sup>3</sup> Қонуннинг 38-моддасида муаллифлик шартномасига қуйидагича таъриф берилган: «Муаллифлик шартномаси бўйича муаллиф асардан фойдаланиш учун мулкӣ ҳуқуқларини шартномада келишилган шартлар асосида бошқа шахсга беради».

Муаллифлик шартномаси фуқаролик ҳуқуқий характерга эга ва бошқа турдаги фуқаролик ҳуқуқий шартномалар сингари эркиндир. Ушбу ҳулоса нафақат назарий, балки катта амалий

аҳамиятга ҳам эгадир. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқий муносабатларга фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари (масалан, битимнинг ҳақиқий саналиш шартлари) билан бирга мажбурият ҳуқуқи бўлимининг қоидалари, масалан, шартномаларни тузиш ва ижро этиш ҳамда мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Хусусиятига кўра, муаллифлик шартномаси консенсуал, ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар таркибига киради. Юридик адабиётларда муаллифлик шартномасининг табиати юзасидан бир қатор тортишувлар мавжуд. Тортишувнинг моҳияти муаллиф асардан фойдаланиш бўйича контрагентга ўзининг мулкӣ ҳуқуқини топширадими ёки бўлмаса ундан маълум доирада фойдаланиш юзасидан рухсат берадими деган масала кўндаланг қўйилади. Шу муносабат билан юридик адабиётларда ўтказиш назарияси ва рухсат бериш назарияси ўртага ташланади ва етарлича талқин қилинади. Амалдаги қонунчиликда асардан фойдаланиш ҳуқуқининг муаллифдан бошқа шахсга ўтиши ушбу масала бўйича ҳуқуқни ўтказиш назарияси томонга ҳал қилиниши қайд этилади.

Муаллифлик шартномаси эркинлиги тамойили томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда шартноманинг бошқа шартларини келишишга эркинлигидан келиб чиқади. Шу билан бирга, амалдаги қонунчилик муаллифлик шартномасига диспозитив ва императив қоидалар кўринишида бўлишни тақозо этади.

Диспозитив характердаги қоидалар шартномада у ёки бу масала ечилмай қолган тақдирда қўлланилади. Масалан, шартнома бўйича ўтказилаётган ҳуқуқнинг ҳудуди Ўзбекистон Республикаси билан чегараланади, агар муаллифлик шартномасида ўтказилаётган ҳуқуққа нисбатан ҳудуд бўйича шартлар белгиланмаган бўлса.

Муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлган баъзи асарлар бевосита учинчи шахслар томонидан ижро этилиши (балет, спектакль кўринишида) лозим бўлади. Ижрочилар ва ижрони ташкил этувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўз характерига кўра ижодий фаолият ҳисобланади, бироқ бунда ижодий фаолият услуби, характер ва маҳсуллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, шу сабабли ҳам у муаллифлик ҳуқуқи-



га туташ, муштарак бўлган турдош ҳуқуқлар орқали тартибга солинади.

Турдош ҳуқуқлар сахна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видео ёзувига, эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади. Бинобарин, асарнинг ижролари, ижронинг аудиовизуал ёзувлари, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувлар турдош ҳуқуқлар объекти ҳисобланади. Турдош ҳуқуқлар субъекти бўлиб, ижрочилар, асарнинг ижро ёзувини яратувчилар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар ва уларни узатувчи ташкилотлар ҳисобланади (шунингдек, уларнинг меросхўрлари ва ҳуқуқий ворислари ҳам).

Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгаси розилиги билан йўл қўйилади.

Агарда мутлақ ҳуқуқ бир неча шахсга тегишли бўлса (масалан, муаллифларга) учинчи шахслар мутлақ объектдан фойдаланиш учун барча ҳуқуқ соҳибларидан рухсат олмоғи шарт.

Мутлақ ҳуқуқ соҳибидан олинadиган учинчи шахсларнинг объектдан фойдаланишга розилиги очиқ-яққол ифодаланган бўлиши, тегишли ҳуқуқий шаклда расмийлаштирилган бўлиши талаб қилинади. Индамаслик, сукут розилик аломати ҳисобланмайди.

Мутлақ ҳуқуқ тўлиқ ўтказилганда ҳуқуқ эгаси мутлақ ҳуқуқни тўлиқ ҳажмда учинчи шахсга ўтказди, демак, бу ҳуқуқни ўзидан тўла ҳолда бегоналаштиради, натижада учинчи шахс мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

Мутлақ ҳуқуқ қисман ўтказилганда ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқининг маълум қисмини ўзида сақлаб қолган ҳолда, қолган қисмини учинчи шахсларга ўтказди.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи у ихтиро қилинган пайдан бошлаб вужудга келади, муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин 50 йил мобайнида амал қилади. Муаллиф вафотидан сўнг муаллифлик ҳуқуқи унинг

меросхўрларига тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати туганидан кейин эса, асар ижтимоий бойликка айланади. Бунда, ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда ундан фойдаланиши мумкин бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар бузилишининг энг кенг тарқалган турларига қуйидагиларни киритиш мумкин: нусха олиш (китоблар, мақолаларни қайта кўпайтириш); асарни тарқатиш (ижара, сотув, дастурий таъминотни ўрнатиш); асарларни концерт заллари, театрларда оммавий ижро қилиш; уларни радио, телевидение орқали эфирга узатиш; асарни бошқа тилларга таржима қилиш; асарни қайта ишлаш.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар тоифасига гонорар ҳақини тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик, муаллифнинг рухсатини олмасдан нашр қилиш ёки қайта нашр қилиш кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Интеллектуал мулк, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд.

Муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда у суд орқали ҳимоя қилинади. Ҳуқуқ эгаси учинчи шахслардан ҳуқуқ бузилиш ҳаракатларини тўхтатишга, етказилган барча зарарларни, шу жумладан, маънавий зарар қопланишини, ҳуқуқбузарлик натижасида олган барча даромад ва фойдаларни ўзига ундириб берилишини талаб қилишга ҳақли. Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштирганлик, ҳаммуаллифликка мажбур этганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқини бузилиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳамда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил қилинган.

**Х. КУРБАНОВА,  
мустақил тадқиқотчи**

<sup>1</sup> Гражданское право. Т.2. «Под ред. Е.А.Суханова. -М.: Изд. БЕК. 1994 йил.

<sup>2</sup> Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: «Адолат», 2000 йил. 401-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни 2006 йил. 20 июль.

## ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Бугунги ислохотлар шиддати мавжуд қонун ҳужжатларини изчил такомиллаштириб боришни тақазо этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ҳам бундан мустасно эмас. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 1-моддасининг иккинчи қисмига кўра, иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик буйруққа, даъво ишини юритишга оид ва алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Амалиётда ҳам соддалаштирилган тартибда иш юритиш, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, банкротлик тўғрисидаги ишларни юритиш, корпоратив низолар бўйича иш юритиш, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш алоҳида тоифадаги иш юритиш сифатида кўриб чиқилади.

Бирок, бу тоифадаги ишлар Иқтисодий процессуал кодексининг 2-бўлими – «Биринчи инстанция судида иш юритиш» таркибига киритилган. Ваҳоланки, Жиноят-процессуал кодекси (13-бўлим) ва Фуқаролик процессуал кодексида (3-кичик бўлим) алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартиби тегишли бўлимларга ажратилган.

Бинобарин, алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишларга оид нормаларни Иқтисодий процессуал

кодексида махсус бўлим ёки кичик бўлим сифатида «Биринчи инстанция судида алоҳида тоифадаги ишларни юритиш» бўлими сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иқтисодий процессуал кодекси 22-моддасининг (рад қилиш ҳақидаги аризалар) биринчи қисмида, ушбу Кодекснинг 20 ва 21-моддаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби ва таржимон ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз қилиши шартлиги белгиланган. Одатда, амалиётда рад қилиш ҳақидаги аризалар ёзма шаклда берилади.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу моддани қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

«Ушбу Кодекснинг 20 ва 21-моддаларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, судья, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлиси котиби ва таржимон ўзини ўзи рад қилиши шарт. Рад қилиш оғзаки ва ёзма шаклда қилиниши мумкин. Оғзаки шаклда берилган рад қилиш тўғрисидаги арз суд мажлиси баённомасида кўрсатилади».

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш тушунчаси Иқтисодий про-

цессуал кодексининг 203<sup>2</sup>-моддасида ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш тўғрисидаги ишлар 216-моддасида ва банкротлик тўғрисида ишларнинг тушунчаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда берилган. Бироқ, корпоратив низоларнинг тушунчаси Иқтисодий процессуал кодексида ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам берилмаган.

Шу сабабли Кодекснинг 30-моддасида «Корпоратив низолар» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади:

«Корпоратив низолар деганда юридик шахслар ва улар иштирокчилари (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ўртасида юзага келган низолар ва ушбу низоларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган муносабатлар (меҳнатга оид, мерос ва эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно) тушунилади».

Иқтисодий процессуал кодекси 131-моддасининг учинчи қисмига кўра, келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Медиация тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасининг иккинчи қисмида медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бош-

қа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Қонунчиликдаги мазкур қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида Иқтисодий процессуал кодексида медиатив келишув ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкинлиги тўғрисида қўшимча киритиш лозим бўлади.

Кодекс 165-моддасининг биринчи қисмида суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Амалиётда суд мажлисини видеоконференцалоқа режими орқали ўтказишда у ёки бу судья ёрдамчилари видеоконференцалоқа ходими сифатида бошқа судларга кўмаклашиб келмоқда. Аммо, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган. Суд мажлисини видеоконференцалоқа режими орқали ўтказишда алоҳида ходим иштирок этиши ҳамда унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Иқтисодий процессуал кодексида алоҳида белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодий процессуал кодекси 173-моддасининг иккинчи қисмига кўра, суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки чиқишларидан иборат бўлади. Музокараларда улар иш бўйича ўз нуқтаи назарини асослайди.

Суд амалиётида даъвогар музокара сўзини қисқа баён қилади, яъни суддан даъво аризасини қисман ёки тўлиқ қаноатлантиришни сўрайди. Жавобгар эса, даъво талабини тан олиш, қисман тан олиш ҳамда шу асосда суддан даъво аризасини қаноатлантиришни ёки қаноатлантиришни рад этишни сўрайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки чиқишларидан иборат бўлади. Музокараларда улар даъво аризасини қисман қаноатлантириш ёки тўлиқ қаноатлантириш ёхуд даъво аризани қаноатлантиришни рад этиш юзасидан ўз фикрларини баён этадилар».

Кодекснинг 178-моддасига кўра, ҳал қилув қарори судья томонидан ёзма шаклда тузилади ва у томонидан имзоланади. Ҳал қилув қарори бир нусхада тузилади ва ишга қўшиб қўйилади.

Мазкур моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

«Ҳал қилув қарори судья томонидан бир нусхада ёзма шаклда тузилиб имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади».

Бу қонун нормасининг такомиллашувига, содда, тушунарли ва мантиқий жиҳатдан такомиллашувига олиб келади.

Кодекснинг 261-моддасига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда, уни апелляция инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Мазкур моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим:

«Апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган судга ёки апелляция инстанцияси судига берилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди уч кун ичида тегишли биринчи инстанция судидан ишни талаб қилиб олиш

ҳуқуқига эга».

Кодекснинг 271-моддасида (апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ижросини тўхтатиб туриш), 294-моддасида (кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори ижросини тўхтатиб туриш) ҳамда Кодекснинг V бўлими (Иқтисодий судларнинг ҳужжатларини ижро этиш)да биринчи инстанция суди ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш асослари белгиланган.

Бироқ, Кодексда (37-боб) қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш чоғида суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш назарда тутилмаган.

Шунинг учун Кодексни қуйидаги таҳрирдаги 326<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

**«326<sup>1</sup>-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш**

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажримни янги очилган ҳолатлар бўйича қайси суд кўраётган бўлса, суд ҳужжати ижросини ҳам ўша инстанция суди тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга».

**С. ҚУВВАТОВ,  
Жиззах вилоят судининг  
иқтисодий ишлар  
бўйича судьяси,**

**У. БАЗАРОВ,  
Жиззах туманлараро  
иқтисодий суди судьяси**

## ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир. Шу маънода инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири бўлмиш ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини таъминлаш долзарб вазифадир.

Давлат ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилган тақдирдагина демократик, инсонпарвар ҳисобланади. Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин.

Бозор талаблари ва тамойилларининг ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётгани туфайли тараққиётимиз суръатларини керакли даражада бўлишини таъминлаш учун ўзгартириш ва янгилаш, модернизация жараёнларини узлуксиз давом эттириш, олдимизда пайдо бўлаётган муаммо ва вазифаларни ўз вақтида ҳал этишимиз талаб этилади. Амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг моҳияти янгиланиш ва тараққиётимиз талабларини ҳисобга олиб, одамларимиз моддий-маданий турмуш даражасини ўстириш, инсон учун қулай иқтисодий ҳамда ижтимоий макон барпо қилишдан иборатдир.

Ижтимоий таъминот инсоният тарихида доимо муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Айниқса, пенсия таъминотининг шаклланиш тарихига назар соладиган бўлсак, ёлланма ишчиларни касаллигида, қарилигида, ногиронлигида ва боқувчисини йўқотган ҳолларида қонуний ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий таъминот тизими илк бор XIX аср охирида Германияда, Бисмарк даври-

да вужудга келди. Касаллик бўйича ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун 1863 йилда, қариллик ва ногиронлик бўйича ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун 1889 йилда, ишлаб чиқаришда жароҳат олганлик тўғрисидаги ижтимоий суғурта бўйича қонун 1884 йилда қабул қилинди.

Франция, Англия, Италия ва Германия таъсири остида бўлган колонияларда ҳам худди шундай қонунлар қабул қилинишига эришилди. Илгари мавжуд бўлган моддий таъминот шаклларида бу ижтимоий таъминот тизими ўзгача фарқ қилар эди.

Ушбу қонунларга асосан моддий таъминот давлат томонидан белгиланадиган бўлди ва маълум доирадаги шахслар учун мажбурий маблағ билан таъминланиш тартиби мавжуд бўлиб, меҳнаткашларнинг суғурта бадаллари, корхона эгалари тўловлари ва давлат ажратмалари кенг соҳаларда амал қилиши жорий қилинди (яъни, касаллик, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда жароҳат олиш, боқувчисини йўқотиш, кексалик ва ишсизлик)<sup>1</sup>.

Худди шу даврларда ижтимоий таъминотнинг энг муҳим кўриниши – пенсиялар ҳам шаклланди. Германиянинг 1889 йилги қонунига асосан кексалик ва ногиронлик пенсиясини олиш учун ходим пенсия ёшига етмасдан ёки ногиронлик факти содир бўлмасдан илгари маълум муддат мобайнида йиллик суғурта бадалларини тўлаган бўлиши лозимлиги белгиланди. Масалан, қариллик пенсияси бўйича бу давр 30 йил, пенсия ёши эса 71 ёш қилиб белгиланган. Англиянинг 1908 йилги қонунига асосан пенсия 70 ёшдан бошлаб тайинланган. Ўша даврларда Фарбий Европа мамлакатларида саноат ишчиларининг энг узоқ умри 40 ёш атрофида бўлгани сабабли, қариллик пенсияси «марҳумлар нафақаси»

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири ҳисобланмиш ижтимоий таъминот ҳуқуқи, унинг шаклланиш тарихи, дунё давлатларида тутган ўрни, давлатнинг ижтимоий таъминотдаги роли, пенсия таъминоти соҳасида қабул қилинган қонунлар, жумладан, қарилик пенсиялари, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тўғрисидаги, илк маротаба қонун шаклидаги қабул қилинган пенсия тизимлари тўғрисида маълумотлар таҳлил қилиниб, мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда қабул қилинган пенсия таъминоти бўйича қонунлар, айниқса имтиёзли пенсияларни жорий қилинган йиллари ва ривожланиш тарихи, бугунги кундаги пенсия қонунчилигида назарда тутилган имтиёзли пенсиялар, жумладан, ёшидан қатъи назар, умумий белгиланган ёшни 10 йил ёки 5 йил қисқартирилган ҳолда кимларга тайинланиши тартиблари ва такомиллаштириш бўйича таклифлари тақдим этилган.

**Калит сўзлар:** имтиёзли пенсия, ижтимоий таъминот, пенсия ёши, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхати, пенсия тизими, қарилик пенсиялари, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари.

\* \* \*

В данной статье была рассмотрена информация о правах человека на социальное обеспечение, история его формирования и роль в различных странах мира, роль государства в социальном обеспечении, законы, принятые в области пенсионного обеспечения, включающие в себя пенсии по возрасту, пенсии по инвалидности и пенсии по потере кормильца, а также анализируется система пенсионного обеспечения. Вместе с тем представлено законодательство о пенсионном обеспечении, принятое в Узбекистане, введение льготных пенсий, история появления льготных пенсий, пенсии на льготных условиях, предусмотренные настоящим пенсионным законодательством, в том числе, право на льготную пенсию независимо от возраста и случаи сокращения общеустановленного возраста на 5 лет или 10 лет, а также порядок назначения пенсий и предложения по совершенствованию государственного пенсионного обеспечения.

**Ключевые слова:** пенсия на льготных условиях, социальное обеспечение, пенсионный возраст, профессии, перечень должностей и показателей, пенсионная система, пенсии по возрасту, пенсии по инвалидности и по случаю потери кормильца.

\* \* \*

This article reviewed information about human rights to social security, the history of its formation and role in various countries of the world, the role of the state in social security, laws adopted in the field of pension provision, including old-age pensions, disability pensions and survivor's pensions, and also disclosed the pension system. At the same time, the legislation on pension provision adopted by in Uzbekistan, the introduction of preferential pensions, the history of the appearance of preferential pensions, pensions on preferential terms provided for by this pension legislation, including the right to a preferential pension regardless of age and cases of reduction of the generally established age by 5 years or 10 years, as well as the procedure for assigning pensions and proposals to improve the state pension provision.

**Key words:** pension on preferential terms, social security, retirement age, professions, list of positions and indicators, pension system, old-age pensions, disability pensions and survivor's pensions.

деб киноя қилингани ҳам бежиз эмас эди.

Ижтимоий қонунчилик предмети масаласида АҚШ ва Европа мамлакатларидаги қарашлар бир-биридан жиддий фарқ қилади. Хусусан, англо-саксон ҳуқуқ тизимида шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар олдинги ўринда турса, континентал европа ҳуқуқида ижти-

мой-иқтисодий ҳуқуқларга афзаллик бериб келинган.

Америка Қўшма Штатлари инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим халқаро пактларни ратификация қилмаган бўлса-да, аммо бундан ушбу мамлакатда инсон ҳуқуқлари концепцияси нуқсонли ёки нотўғри деган

хулоса чиқармаслик лозим. АҚШда ижтимоий қонунчиликнинг эволюцион тараққиёти ва Олий суд томонидан уларни талқин этилиши ижтимоий ҳуқуқнинг фундаментал ҳуқуққа айланишига олиб келган<sup>2</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё давлатлари ижтимоий таъминот тизими Россия империяси ва собиқ Иттифоқ ижтимоий таъминот тизимининг ривож билан бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Ушбу даврдан бошлаб Марказий Осиёда илгари амалда мавжуд бўлган ижтимоий таъминот тизими (закот) деярли амал қилмай қўйди. Маълумки, закот гарчи ихтиёрийлик асосида берилса ҳам уни йиғиш, тақсимлаш давлат томонидан амалга оширилиб, тегишли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар ҳам давлат томонидан таъминланар эди. Чор ҳукумати бу ишда ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммасига олмаган. Айни вақтда маҳаллий аҳоли кўпроқ шариат ҳуқуқи таъсири доирасида эканлиги сабабли Россия империясида ўша даврда амал қилувчи номукаммал ижтимоий таъминотга оид тизим ҳам Ўзбекистонда деярли қўлланилмас эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, аҳолининг ижтимоий таъминоти масалалари инсоният тарихий тараққиётининг қадимий даврларига бориб тақалади ва у асосан маънавий ахлоқий тафаккур ва онг билан боғлиқдир. Давлатчилик тараққий топиб боргани сари ночор ва бечораларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоялаш ҳам ранг-баранглашиб борган, унинг шакл ва усуллари такомиллашган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг пенсия таъминоти тарихий тажрибага таянган ҳолда ҳамда ўзбек халқининг менталитети, кадриятлари ҳисобга олиниб пенсия қонунчилиги янгидан шакллантирилди, шунга оид негиз ва тизимлар яратилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда пенсия ёши эркаклар учун 60, аёллар учун 55 ёш қилиб белгиланган. Пенсия қонунчилигига асосан айрим касб, лавозимларда ишлаганларга умумий белгиланган ёшни 10 йил ёки 5 йилга қисқартир-

ган ҳолда, шунингдек ёшидан қатъи назар, белгиланган соҳада маълум муддатда ишлаган фуқароларга имтиёзли тарзда пенсия тайинлаш ҳам кўзда тутилган.

Жумладан, ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга: кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар, шунингдек бевосита ерости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни казиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар, учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари, спортчиларнинг айрим тоифалари қонунчиликда белгиланган шартлар ва муддатларда фаолият кўрсатган бўлсалар.

Бундан ташқари, қонунчиликда умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларга, шунингдек цирklar ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликка асосан қуйидаги ходимларга умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия тайинлаш мумкин:

- уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар;
- болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлсалар;
- ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари;
- ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари;

- қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ижтимоий ходимлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан лилипутлар ва паканаларга ҳамда технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ҳам муддатидан олдин имтиёзли пенсия тайинлаш кўзда тутилган.

Ушбу фуқароларни пенсияга имтиёзли равишда чиқиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 252-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 25 январдаги «Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»<sup>3</sup>ги 2-сонли қарорларида белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 250-сонли қарори билан имтиёзли

тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатлари тасдиқланган.

Ўзбекистонда имтиёзли равишда пенсияга чиқиш собиқ Иттифок давридаги, яъни 1956 йилдаги «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги Қонунга асосан жорий қилинган ва ўша даврда имтиёзли пенсияга чиқувчиларнинг касблар, лавозимлар рўйхати тасдиқланган. 1994 йилда имтиёзли пенсияга чиқувчилар рўйхатини тасдиқлашда аксарият 1956 йилдаги тасдиқланган ишлар, лавозимлар ва касблар, кўрсаткичлар киритилган. 2014 йилда ушбу рўйхат замон талабларидан келиб чиқиб қисман янгиланди. Бугунги кунда ҳам ушбу рўйхатда 1500 дан ортиқ ишлар, касб ва лавозимлар мавжуд. Ушбу рўйхатнинг айрим касблари бўйича республикада охириги 10, 15 йилда умуман пенсия тайинланмаган ёки айрим рўйхатдаги касблар республикада мавжуд эмас.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шунингдек иқтисодиётга замонавий технологиялар жорий этилаётганлиги муносабати билан имтиёзли пенсияга ҳуқуқ берувчи рўйхатларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 1,2,3-рўйхатлардаги касб, лавозимлар давлат тилида тасдиқланмаганлиги ва уларга шарҳлар берилмаганлиги ҳисобга олиб, ушбу масалалар бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш таклиф этилади.

**М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Жамоат хавфсизлиги университети**  
**мустақил изланувчиси**

<sup>1</sup> Цивилев Р.М., Рогожин В.В. Социальное страхование при капитализме: мифы и реальности. М., 1977 й. 12-13-б.

<sup>2</sup> Азаров А.Я., Права человека. Новое знание. М., 1995 г., –С 32, Никифорова М.Г. Гражданское право и свобода в США. Судебная защита и практика. М., 1991 г., –С. 37

<sup>3</sup> Жузжоний А. Ўзбекистонда меҳр саховат ва хомийлик тарихидан. // Ж. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари 2006 й, 1- сон, 8-10 б.



## СОХТАКОРЛИК ЖАЗОГА САБАБ БЎЛДИ

Воқеа Тошкент вилояти Олмалик шаҳар мактабларидан бирида содир бўлган.

Ҳаммаси 2020 йил мактабга янги директор тайинланишидан бошланди. Директор ишни ходимларнинг шахсий ҳужжатларини ўрганишдан бошлади. Нимагадир математика ўқитувчиси Фарзона Ўринованинг (*исм-шарифлар ўзгартирилган*) ҳужжатлари унда шубҳа уйғотди.

Ўқитувчини ҳузурига чақирди.

- Тожикистоннинг Хўжанд давлат университетини битирган экансиз, дипломингиз ҳақиқийлигини тасдиқловчи гувоҳномани қандай қилиб олгансиз?

Ўқитувчи ер чизди.

- Гапиринг ахир...

Ф. Ўринованинг ҳаммасини айтиб беришдан бошқа иложи қолмади.

Ушбу гувоҳномани олишда мактабнинг собиқ директори Озода Жабборова ёрдам қилганлигини, бунинг учун унга маълум миқдорда пул берганлигини айтди.

Ўша пайти, яъни 2017 йилда О. Жабборова Олмалик шаҳридаги умумтаълим мактабида раҳбар вазифасида ишларди. Ундан олдин эса, шаҳар халқ таълими бўлимида мутахассис бўлиб ишлаган. У математика ўқитувчиси Ф. Ўринованинг ҳужжатларида муаммо борлигини аниқлаб, бу ҳақда шаҳар халқ таълими бўлими мудирга айтади. Мудир нима дерди. «Четдан келган бўлса, дипломини қонунга мувофиқ нострификация қилиш керак. Унгача мактабда дарс бера олмайди ахир»...

Маълумот учун айтиш жоизки, Ф. Ўриновалар оиласи 1996 йилда Тожикистондан Ўзбекистонга кўчиб келишган. Чет давлатдан юртимизга келган киши, агар ўқитувчи бўлса, Ўзбекистон таълим

тизимда ишлаши учун дипломини нострификация қилиши шарт. Содда қилиб айтганда, Ўзбекистон давлати бу дипломини тан олиши, ўқитувчининг ишлашига рухсат берувчи гувоҳнома тақдим этиши керак. Ф. Ўриновага бу имконият берилди, албатта. Нострификация олиш учун давлат тест маркази аттестация комиссиясига имтиҳон топширди. Аммо, синовлардан ўтолмади. Шундан сўнг, у ҳамкасби О. Жабборовадан ёрдам сўради. О. Жабборова бунинг учун 2 000 АҚШ доллари бериши кераклигини айтади.

Ф. Ўринова бунча пули йўқлигини билдиради. Аммо, масалани ҳал қилмаса бўлмас эди. У 1 500 АҚШ доллари топиб беришга рози бўлади.

Келишилганидек, О. Жабборова Ф. Ўриновадан 2015 йил октябрь ойида 500 АҚШ доллари, 2018 йил сентябрь ойида эса 1 000 АҚШ доллари олади. Унга давлат тест маркази томонидан берилгандек қилиб сохта гувоҳнома тайёрлаб беради. Математика фани ўқитувчисига эҳтиёж борлиги сабаб ходимни ишга қабул қилади.

Ф. Ўринова мактабда 2002 йилгача математика фанидан дарс беради.

Бу орада мактабга янги директор келади. У ҳам Ф. Ўринованинг ҳужжатларида муаммолари борлигини билгач, унга ишдан кетишини айтади. Шу тариқа Ф. Ўринова ўз хоҳиши билан ишдан кетади. Аммо, маълум вақт ўтгач, математика ўқитувчиси керак бўлганлиги учун Ф. Ўринова қайта ишга олинади.

Юқорида айтганимиздек, 2020 йилга келиб, мактабда яна директор алмашиши ва ҳужжатлар ўрганилиши билан эски муаммо қалқиб чиқади, бу ҳақда тегишли

органларга хабар берилади. Ҳолат ўрганилади, тергов даврида гувоҳнома ҳақиқатан сохта эканлиги аниқланади. Айбдорларга нисбатан жиноят иши кўзғатилади. Иш судга оширилади. Судда судланувчиларнинг айбдорлик масаласи кўриб чиқилади.

О. Жабборова қонунга мувофиқ ҳужжатларни сохталаштириш жинояти билан айбланди. Қилмишнинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари эътиборга олинади. Жазо тайинлашда суд унинг айбига қисман иқроор бўлса-да, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олди.

Унинг раҳбарлик лавозимида ишлаб келган вақтда жиноят содир қилинишига сабабчи бўлганлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида, яъни таълим соҳасида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан 1 йил муддатга маҳрум қилди.

Ф. Ўриновага нисбатан жазо тайинлашда суд унинг ўқитувчиликдан бошқа касби йўқлигини, давлат муассасасидан ташқари нострификация талаб қилинмайдиган хусусий корхона ёки фирмаларда математика фанидан таълим ўргатувчи (репетитор) бўлиб ишлаши мумкинлигини инобатга олган ҳолда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо чорасини қўлламасликни лозим деб топди.

Судланувчиларга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ф. Ўринова нострификация масаласини ўз вақтида қонуний ҳал қилса бўларди, нима учун сохтакорликка йўл қўйиш керак? Тўғри йўл тутилганида судланиб, ер чизиб қолмаган бўларди...

**З. ҚЎЗИБОЕВ,  
Олий суд катта  
консультанти**

\* \* \*

*Киши қанчалик ақлий ва ахлоқий жиҳатдан камол топган бўлса, у ўзини шунчалик озод ҳис қилади, унга ҳаёт шунчалар қулиб боқади.*

**А. П. Чехов**

\* \* \*

*Доноликдан маҳрум кўнгиш мурдадир. Аммо, агар у билим билан бойитилса, бамисоли қақроқ ерга ёмғир ёққанидек жонланади.*

**Абул Фароҳ**

\* \* \*

*Билимли одам билимсиз кишидан, ўз билимининг ҳали тугалланмаганлигини тан олиши билан фарқланади.*

**Жорж Санд**

\* \* \*

*Билимдонлик ва ақлий ривожланиш – бу одам моҳияти, унинг табиий ҳолати, билимсизлик, ақлсизлик эса одам учун сунъий ҳолат. Нодонлик ва чаласаводлик – бу деярли касалликдир.*

**Д. С. Лихачев**

«Дурдоналар» тўпламидан олинди

## ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

### Исми, лақаби, нисбаси ва шажараси

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий – ислом оламининг энг машхур авлиёларидан бири, нақшбандия тарикатининг асосчиси. Халқ орасида «Баҳоуддин», «Баҳоуддин-жон», «Хожа Баҳоуддин», «Баҳоуддин Балогардон», «Балогардон», «Хожайи Бузрук», «Шоҳи Нақшбанд» номлари билан ҳам улуғланади.

Асл исми – Муҳаммад. Отасининг исми ҳам Муҳаммад бўлган. Баъзи манбаларда бобосининг исми ҳам Муҳаммад экани ҳақида маълумот келтирилади. Ота тарафдан – саййидлар авлодидан. Шажараси пайғамбар (с. а. в.) авлоди бўлган Имом Жаъфар Содикқа боғланади. Насаби она тарафдан ҳазрат Абу Бакр Сиддикқа бориб уланади.

Хожалар авлодидан бўлгани учун унинг номи олдида Хожа сўзини ишлатиш расм бўлган. Бухоролик бўлгани учун Бухорий нисбаси, ёшлигидан отаси билан бирга кимхобга нақш солиш ҳунари билан шуғуллангани учун Нақшбанд лақаби билан машхур бўлган. Ўша даврда матоларга нақш ишлаган, нақш солинган кўйлақлар ёки нақшли гиламлар тўқиган касб эгалари «нақшбанд» дейилган. «Баҳоуддин» сўзи «Диннинг нури» деган маънони англатади. Бу – Хожа Нақшбандга кейинчалик берилган фахрли унвон. Манбаларда баъзан: «Баҳо ул-Ҳаққи ва-л-миллати ва-д-дин», яъни: «Ҳақ таоло, миллат ва диннинг нури», деган тўларок тарзда ҳам келтирилади.

### Таваллуди

У 1318 йилнинг март ойида Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, 1389 йили ҳижрий ҳисобда 73, милодий ҳисобда 71 ёшида шу қишлоқда вафот этган. У туғилган «Қасри ҳиндувон» қишлоғи кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд шарафига «Қасри орифон» деб

атала бошлаган ва ҳозир ҳам шундай ном билан юритилади. «Орифон» сўзи «орифлар», яъни «сўфийлар», «тасаввуф аҳллари» деган маънони англатади.

### Пирлари

Нақшбанд умри давомида зоҳиран тўрт пирнинг тарбиясини олган.

**Биринчи пири** – Хожа Муҳаммад Бобо Самосий эди.

**Иккинчи пири** – Амир Саййид Кулол. У тарикат бобида билганларини ўргатиб бўлганидан кейин шогирдига бошқа пирлардан илм ўрганиши учун ижозат беради.

**Учинчи пири** – Қусам Шайх. Баҳоуддин илм истаб, яссавия тарикати шайхларининг машхур вакиллари билан бўлмиш Қусам Шайх олдида, Нахшаб, яъни ҳозирги Қаршига боради. Уч ой ундан таълим олади. Баҳоуддиннинг бу пирга ихлоси баланд бўлган, айтиш мумкин, ҳатто Қусам Шайх ҳам уни ўз ўғлидек билиб, муридига чексиз ҳурмати туфайли кейинчалик Бухорога келиб, умрининг охиригача яшаган ва шу ерда вафот этган.

**Тўртинчи пири** – Халил Ота (Султон Халил). Баҳоуддин 1335 – 1346/47 йиллари, яъни 17 – 29 ёшлари орасида 12 йил (6 йил у Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлгунигача қадар, 6 йил унинг ҳукмдорлиги даврида) унинг хизматида бўлиб, тарбияланади.

Баҳоуддин Нақшбанд увайсий эди. Манбаларнинг далолат беришича, унга Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (1103–1179)нинг руҳи келиб, тарбия берган. Ўлиб кетган авлиёнинг руҳи келиб қайси бир муридни тарбияласа, у «увайсий» дейилган.

Хожа Баҳоуддиннинг пирлари ҳақида сўз очар экан, Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Муҳаммад Бобо Самосийни «қабул назари» бўйича пир, Амир Кулолни «зоҳир юзидин» пир ва Хожа Абдулҳолик Ғиждувонийни «ҳақиқат юзидин» пир деб айтади.

### Силсиласи

Нақшбандия силсиласи ҳам, яссавия силсиласи ҳам Хожа Юсуф Ҳамадонийга боғланади. Нақшбанд ана шу икки тариқат пирларидан ҳам таълим олгани учун унинг номи икки силсилада ҳам саналаверади. Нақшбандия силсиласи манбаларда «силсилат уз-заҳаб», яъни «олтин силсила» тарзида тилга олинади. Бу қуйидаги тарзда шаклланган: Сарвари коинот Муҳаммад (с. а. в.) (571 – 632); Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р. а.) (573 – 634); Ҳазрат Салмон Форсий (р. а.) (578 – 657); Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад (р. а.) (вафоти – 605); Ҳазрат Имом Жаъфар Содик (р. а.) (702 – 765); Султон ул-орифин Боязид Бистомий (қ. с.) (вафоти – 875); Шайх Абул Ҳасан Харақоний (қ. с.) (963 – 1033); Шайх Абу Али Формадий (қ. с.) (962 – 1055); Ҳазрат Хожа Юсуф Ҳамадоний (қ. с.) (1049 – 1141); Ҳазрат Хожа Абдулхолик Ғиждувоний – Хожайи жаҳон (1103 – 1179); Ҳазрат Хожа Ориф Ревгарий – Моҳитобон (қ. с.) (1166 – 1263); Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий (қ. с.) (вафоти – 1286); Ҳазрат Хожа Али Ромитаний (қ. с.) (1191 – 1321); Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобо Самосий (қ. с.) (вафоти – 1335); Ҳазрат Хожа Саййид Амир Кулол (қ. с.) (1281 – 1370); Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (қ. с.) (1318 – 1389).

Баҳоуддин Нақшбанднинг яссавия силсиласидаги ўрни эса қуйидагича: Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти – 1166); Мансур бинни Арслон Бобо (вафоти – 1197); Абдулмалик Тож Хожа (вафоти – 1218); орада уч номаълум шайх бор; Халил Ота (вафоти – 1347); Баҳоуддин Нақшбанд (1318 – 1389). Нақшбанд Қусам Шайх орқали ҳам яссавия тариқатига боғланади.

### Авлоди

Нақшбанднинг тўрт қиз ва бир ўғли бўлган. Бир қизи ёшлигида вафот этган. Катта қизи – Биби Хотун Калон. У Алоуддин Атторнинг ўғли Ҳасан Атторга турмушга чиққан. Бу турмушдан Юсуф Аттор ва Муҳаммад Аттор исмли икки ўғил ва тўрт қиз дунёга келган. «Рашаҳот»да Фаҳриддин Али Сафий янглишиб, Алоуддин Атторнинг Нақшбанднинг қизи билан турмуш қургани-

ни айтган. Бу хато кейинги кўп муаллифлар томонидан тузатилган бўлса-да, ҳозир ҳам баъзи китобларда кўзга ташланади. Ўртанча қизи – Биби Робия Хотун. У аллома Мавлоно Фазлуллоҳ Найистонийга турмушга чиққан. Кичик қизи – Биби Сарвар Хотун. У отасининг вафотидан кейин Абулхайр Туркистонийга турмушга чиққан. Бу турмушдан Хожа Баҳоуддин Набира, Хожа Амир Али ва Хожа Мирак дунёга келади. Хожа Амир Алининг ҳам уч ўғли бўлган: Хожа Мир Муҳаммад, Шайх Зайниддин ва Хожа Баҳоуддин. Хожа Мир Муҳаммаднинг ҳам уч ўғли бўлган: Хожа Мирак, Мирзо Оёқ ва Низомиддин Аҳмад.

Нақшбанд биринчи марта ҳажга борганида Бухорода ягона ўғли вафот этади. Эҳтимол, вафот этган фарзанди, аслида, айнаи бир бола, яъни қизи бўлиб, манбаларда жинси адаштириб ёзилгандир ҳам.

Ҳасанхожа Нисорий Бухорий (вафоти – 1005/1596) нинг «Музақкири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») китобида Нақшбанднинг зурриётларидан бўлган баъзи кишиларнинг номлари келтирилган. Низомиддин Мир Муҳаммад Нақшбандий, Саййид Ҳодий Нақшбандий, Саййид Иброҳим, Хожа Ҳасан Нақшбандий – шулар жумласидан. Бадахшонининг «Жомеъ ус-салосил» («Силсилалар мажмуаси») китобида Хожа Ҳасан Мазорий (XVI аср) ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг наслидан экани қайд этилган.

Нақшбанднинг зурриётларидан баъзилари Қасри орифонга дафн этилган. Қолганлари Кобул ва Дехлида яшаб, ўша ерларда вафот этган.

### Муқаддас ҳаж зиёрати

Баҳоуддин Нақшбанд икки марта ҳажга борган. Илк бор милодий 1370 йили муридлари ва отаси билан бирга борган. Етмиш ёшида (1388 йили ёки бундан сал олдин) иккинчи марта ҳажга борган. Бунда, муриди Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ёнида бўлган.

### Мероси

Олимлар форс-тожик тилида битилган «Ал-аврод», «Далил ул-ошиқин» деган насарий, «Ҳаётнома» деган назмий асарларни Нақшбандга нисбат беришади. Булардан

фақат «Ал-аврод»нинг бир қисмигина фалсафа фанлари доктори, профессор Гулчехра Наврўзова томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Унинг форс-тожик тилида битилган кўп рубоийси турли китоб қўлёзмалари таркибидан бизгача етиб келган. Шулардан бештаси жуда машхур бўлган. Нақшбандий дарвешлар ҳар намоз охирида шу беш рубоийдан биттасини ўқишни тариқат аҳлининг хос анъанасига айлантиришган эди.

#### **Жаноза олдидан ўқилган байт**

«Насойим ул-муҳаббат»да Нақшбанд тилидан ҳикоя қилинган қизиқ бир нуқта бор:

«Шайх Абу Саид Абулхайр (у Х асрда яшаган – С. О.) дан муридлари: «Сизнинг жанозангиз олдидан қайси оятни ўқисинлар?» деб сўрашибди. Шунда бу зот дебдики: «Оят ўқимоқ – улуғ иш. Мана бу байтни ўқисинлар:

*Чист аз ин хўбтар дар ҳама офоқ кор,  
Дўст расад назди дўст, ёр – ба наздики ёр?*

**(Бутун оламда дўстнинг дўстга, ёрнинг ёрга етишидан афзал яна нима бор?)».**

Шундан кейин Ҳазрат Нақшбанд муридларига шундай васият қилибди: «Менинг жанозам олдидан мана бу байтни ўқинлар:

*Муфлисонема омада дар қўйи ту,  
Лавҳашаллоҳ, аз ҷамоли рўйи ту.*

**(Сенинг кўйингда жамолингдан бенаиб этмаслигини тиловчи гадолармиз)».**

#### **Нақшбанд наздида каромат**

Авлиёларини Худо кароматлари билан сийлайди. Нақшбанд ҳам бундан мустасно эмас. Фаҳриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида ёзилишича, Баҳоуддин эндигина тўрт ёшда бўлган пайти онасига: «Сигиримиз пешонасида Ҳилол (Янги ой) шаклидаги белги билан бузоқ туғади», дебди. Бир неча ойдан сўнг, башорат қилинганидек, пешонасида Ҳилол шакли бор бузоқ туғилибди.

Аслини олганда, Баҳоуддинни ундан икки аср илгари яшаб ўтган Хожа Абдуҳолик Ғиж-

дувонийнинг рухлари тарбия бергани ҳам – бир каромат. Ўтиб кетган пирнинг тарбиясини олганлар тасаввуф тарихида «увайсий» дейилади.

Ҳамма замонларда ҳам оддий одамлар авлиёларнинг кароматига қизиқаверади. Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида ёзилишича, ўз даврида кишилар Нақшбанддан ҳам каромат талаб қилишибди. Шунда буюк зот уларга қарата: «Бизнинг кароматимиз кўриниб турибди-ку! Ахир, шунча гуноҳимиз билан Ер юзида тирик юрганимизнинг ўзи бир каромат эмасми?!» деган экан.

#### **Ер тирноқча келади(ми)?**

Сўфий кўнгил Худони англагани сари у яратган борлиқнинг чексизлигини тушуна боради. Шу тариқа тасаввуф пирларида дунёни тушуниш майдони кенгайиб кетади. Модомики, борлиқ шу қадар бепоён экан, оддий одамлар наздида жуда катта кўринган Ернинг кенглиги қанча? Бу савол кўп шайхларни қизиқтирган. Хожагон-нақшбандиянинг Бухородан ўтган етти пиридан тўртинчиси бўлмиш Хожа Али Ромитаний: «Ер авлиёлар наздида дастурхонча келади», деган. Бунинг икки маъноси бор. Биринчиси шуки, етук шайх Ерни дастурхонни кўриб тургандек кўриб туради. Иккинчиси – Ер Тангри таоло яратганларининг дастурхонча келадиган кичик бир зарраси, холос.

Тасаввуф тарихида Ернинг қафтча келишини айтганлар ҳам бор. Бирок, Баҳоуддин Нақшбанд бу фикрни янада кучайтиради: «Ер бизнинг наздимизда тирноқча келади», дейди.

#### **Ўринбосарлари**

Ҳар бир етук шайх ўзига халифа, яъни ўринбосар тайёрлаши қатъий анъанага айланган эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари жуда кўп бўлган, албатта. Аммо улар орасидан тўрт халифа қолдирган: Алоуддин Аттор (вафоти – 1400); Муҳаммад Порсо (1348 – 1420); Ёқуб Чархий (вафоти – 1447); Алоуддин Ғиждувоний (вафоти – 1448).

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин Алоуддин Аттор маънавий иршод бошлаб, шуҳрат қозонган. Тариқатда асосий оқим-

ларга бўлиниш Аттордан кейин содир бўлган. Алоуддин Аттор билан бошланган алоия тариқати унинг вафотидан кейин ўғли Ҳасан Аттор ва шогирди Низомиддин Хомуш билан икки алоҳида йўл бўйича давом этган. Баҳоуддин Нақшбанддан ижозат олган Муҳаммад Порсо, Ёқуб Чархий ва Алоуддин Гиждувоний турли жойларда ирфоний-тасаввуфий тарбия билан шуғулланишган.

Булардан Алоуддин Гиждувоний ва Муҳаммад Порсо билан бошланган оқимлар унчалик оммалашмаган. Тариқат, асосан, Атторнинг халифалари ва Ёқуб Чархий билан давом этган. Ёқуб Чархий, манбаларда қайд этилишича, Нақшбанддан тарбия олиш билан бирга, узоқ йиллар Алоуддин Атторнинг суҳбатида ҳам бўлган. Шунинг учун кейинроқ ёзилган асарларда унинг Атторга ҳам халифа экани ва тасаввуфий таълимни унинг раҳнамолигида тамомлагани ҳақидаги қараш ҳам бор.

Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари орасида, тариқатнинг амалий жиҳатдан ривожига кўп ҳам ҳисса қўшмаган бўлса-да, бироқ ёзган асарлари сабаб тасаввуф тарихида, айниқса, нақшбандийликда назарий жиҳатдан катта ҳисса қўшган шахс – Хожа Муҳаммад Порсо.

### Вафоти

Нақшбанд иккинчи бор ҳаж зиёратидан қайтганидан кейин бетобланади. Хасталиги авж олгач, бир карвонсаройга бориб, унинг кичик бир хонасини макон тутди. Ёнида фақат айрим муридларигина бор эди. Қишлоққа нисбатан холироқ бўлгани учун бу ерни афзал кўрган бўлиши мумкин. Муридларни эса Нақшбанд ўзидан кейин иршод ижозатини кимга бериши қизиқтирар эди, албатта. Вазиятни тушунган пир ижозат бериш иши унинг ихтиёрида эмаслигини айтади. Вафотининг яқинлигини билиб, муридларига ўзидан кейин маънавий ўринбосар сифатида Хожа Муҳаммад Порсонини қолдиришни таъкидлайди. Бошқа бир ривоятга кўра: «Бу масаладаги сўзимиз – Макка йўлида айтганимиз. Агар ким бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога қарасин», дейди.

Нақшбанд ўлими олдидан узундан-узун дуо қилади. Алоуддин Аттор эса пирининг бош тарафида Куръони каримнинг «Ёсин» сураси қироати билан банд эди. Сура ярмига етганда пири комил бу дунёдан кўз юмди. Бу милодий 1389 йилнинг 1 марти – душанба кечаси эди.

### Мақбараси

Замонлар ўтиши билан қабри атрофида масжид, минора, мадраса, хонақоҳ, мусофирхона, дарвоза каби иморатлар қурилиб, натижада бу ер катта бир мажмуа ҳолига келган. XVI асрда Токи Миёна, Диловар ва Салом дарвозалари бунёд этилган. Токи Миёнадан Салом дарвозасигача бўлган ҳудудда «Даҳмайи Шоҳон» («Шоҳлар хилхонаси») ўрин олган. Унда Абдулазизхон (1540 – 1549), Абдуллоҳхон (1583 – 1598), Имомқулихон (1611 – 1642), Субҳонқулихон (1682 – 1702) ва Нодир Девонбеги (XVII аср) каби Бухоро ҳукмдорлари ва юқори мансаб эгаларининг оилавий даҳмалари мавжуд. Мажмуадан, шунингдек шайбонийлардан Абдулазизхон 1544/1545 йили қурдирган хонақоҳ, Амир Музаффархон ва Абдулҳаким Қушбеги томонидан бино қилинган масжидлар, қорихона, мусофирхона, мадраса каби тарихий-меъморий обидалар ўрин олган.

### Етти пир ва зиёрат туризми

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президентликка номзод сифатида Бухоро вилояти сайловчилари вакиллари билан Қорақўл туманида бўлиб ўтган учрашувдаги маърузасида етти пир номлари билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳларни янада обод қилиш, бу ерга келадиган маҳаллий ва хорижий зиёратчилар учун янада қулай шароитлар яратиш ҳақида гапирди.

Ҳақиқатан ҳам, хожагон-нақшбандия тариқати пирлари миллий маънавиятимизнинг буюк устунлари ҳисобланади. Улар ҳаёти ва мероси абад ул-абад халқимизни эзгулик сари етаклайди.

**Султонмурод ОЛИМ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими, филология  
фанлари номзоди**